

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОЙӢ номидаги ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳукукida
УДК - 821.512.133 (092) Қодирий

КАРИМОВ Баҳодир Нурметович

ХХ АСР ЎЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛИГИДА

ТАЛҚИН МУАММОСИ

(қодирийшунослик мисолида)

10.01.02 – Ҳозирги миллий адабиёт (ўзбек адабиёти)

10.01.08 – Адабиёт назарияси

Филология фанлари доктори илмий даражасини
олиш учун тақдим қилинган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

ТОШКЕНТ – 2002

Тадқикот Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети «Хозирги ўзбек адабиёти» ҳамда «Жаҳон адабиёти ва назарияси» кафедраларида бажарилган.

Расмий оппонентлар:

Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор **С.МИРВАЛИЕВ**,

филология фанлари доктори, профессор **Б.САРИМСОҚОВ**,

филология фанлари доктори **Б.ЙУЛДОШЕВ**.

Етакчи илмий муассаса: -

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети

Химоя 2002 йил «**26**» .июн соат 14⁰⁰ да Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти хузуридаги фан доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияларни химоя қилиш бўйича Ихтисослашган Д 015.04.01 ракамли илмий кенгаш йигилишида ўtkазилади (700170, Тошкент, И.Мўминов кўчаси, 9-уй).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (700170, Тошкент шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 13-уй).

Авторсферат 2002 йил «**24**» .май да тарқатилди.

Ихтисослашган илмий
кенгаш котиби,
филология фанлари доктори:

 **А. ЖАЛОЛОВ**

Диссертациянинг умумий тавсифи

Мавзунинг долзарбилиги

ХХ аср ўзбек адабиёти миллиатнинг маънавий-эстетик камолотидан дарак берса, адабиётшунослик ва адабий танқидчилик илмий-адабий дарражасини кўрсатади. Бугун миллий адабиёттимиз тарихидаги муаммоларни ойдинлаштириш учун илмий тадқикотлар олиб борилмоқда. Айни чогда, ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқидчилиги тарихининг ҳам ҳақиқий манзарасини юзага чиқариш зарурати кун тартибида турибди. «ХХ аср ўзбек адабиётшунослигида талқин муаммоси» мавзунинг Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодига муносабат асосида, яъни қодирийшунослик мисолида ўрганилиши ўша илмий тарихининг яратилишида муайян хизмат қиласди.

Абдулла Қодирий ҳақида ўнлаб китоблар, юзлаб адабий-танқидий маколалар ёзилган. Уларда адаб ижоди турлича талқин килинган. Айнан ана шу холат «талқин муаммоси»ни ўргага кўяди.

Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодининг ўрганилиш тарихи, унга доир мақолалар ва китоблар талқин муаммоси нуқтаи назаридан маҳсус гадқиқ этилган эмас. Адабнинг эстетик олами, бадиий асарларидағи эстетик идеали, ёзувчининг бадиий талқини билан интерпретаторнинг илмий талқинлари мувозанати, талқинда биографик маълумотнинг ўрни, ҳукмрон сиёсатнинг адабий талқинга таъсири, талқиндаги вулыгар социологизм ҳамда субъективизм ва бошқа катор масалаларнинг янгича илмий аспектда текширилаётгани мавзўйнинг долзарблигини кўрсатади.

ХХ аср ўзбек адабиётшунослигига, умуман, собиқ иттифоқдаги миллиатлар адабиётшунослигига бадиий асар талқини кўпинча давр сиёсатига мувоғиқ бўлғанлиги кўринади. Шу маънода адабиёт ва сиёсат жуфтлиги филология илмида ҳар вақт ёнма-ён келди. Хорижда эса ўзбек адабиёти, хусусан, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат ва Беҳбудий ижоди бир оз ўзгача талқин килинган. Мазкур тадқикот масаланинг шу жиҳатига ҳам тарихий-қиёсий нуқтаи назардан эътибор қаратади.

Ўтган асрнинг 80-йиллари охирида, айниқса, Ўзбекистон Республикаси мустакиллигидан кейин миллиатнинг мустабид сиёсат курбони бўлган машҳур шахслари, зиёлилар, олимлар, шоир ва ёзувчилар хусусидаги ҳақиқат очиқ айтила бошланди; матбуотда маҳсус идораларнинг архив ҳужжатлари асосида ёзилган мақолалар купайди. Адабий асарни, маълум бир ижодкор меросини, шахсиятини бутунлигича тушуниши ва тушунтиришда ўша ҳужжатлар муҳим аҳамият касб этади. Зотан, биографик маълумотларнинг илмий муомалага олиб кирилиши нафақат бадиий асарнинг ўзини, балки унинг муалифини, аниқ бир инсон қалбини, дарду дунёсини ҳис этишда ҳам аҳамиятлади. Шу маънода мазкур

тадқиқотда дунё адабиётшунослигига ўзига хос йұналиш саналған биографик метод имкониятларидан қайсицир даражада истифода қыллады.

Бадий талқин негизінде қосқаса образлы тафаккур, воқөликни санъат тилига күчириш турса, ілмий талқиннинг фалсафий-мантикий асосини дедукция ва индукция, синтез ва анализ, герменевтик доира ташкил килади. Бирок, адабиётшунослар ҳар доим бу қоидаларға амал этиб, ілмий ҳақиқатни ўз ҳоліча ёзишга имкон топа билмай, баъзан «эзоп тили»нің күллаганлар. Шу йүсінде сиёсийлашған талқинлардан чекланиб, бадий асарнинг ҳақиқіттік эстетик мөхияттін намоён қилишга интилғанлар. Ёзувчи бадий талқиннинг тұла равищда, барча ғоялари, қараашлари, фикрларига мос суратта ілмий тилга күчиши, ілмий талқинда ўз ифодасини тошиши адабий-естетик ҳақиқаттің юзага чиқаради; санъаткор ва олим орасыда фикрлар мувозанати пайдо бўлади. Адабиётшунос асарнинг бадий концепциясини тушуниб, муайян фалсафий-естетик принциплар, ілмий-назарий методлар асосида талқин қиласа, ҳар доим мөхиятга яқин келади.

Шу сингари қатор масалаларни мантикий, изчил ва асосли равищда қодирийшунослик мисолида текшириш XX аср ўзбек адабиётшунослигининг умумий ва хусусий ҳолатини тасаввур этишдә ниҳоятда муҳимдир. Бир томондан, қодирийшунослик тарихининг умумий манзараси майдонта келса, иккичидан, назарий хулосалар чиқарилади; талқиндаги хилма-хиллик негизи, бадий талқин ва ілмий талқин мувозанати, бадий асарни тушуниш ва тушунтириш, ілмий талқин ва унга бошқа омилиларнинг таъсири хусусида эътиборли мулоҳазалар биљдирилади. Мавзу адабиётшунослигимиз тарихидан ибрат олиш ва ўз назарий қараашлари билан дунё адабиётшунослиги сари интилаётган ўзбек адабиётшунослигига ілмий-естетик диднинг шаклланиши учун ҳам долзарб саналади.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов ҳакли таъқидлаганидеск, «Юртимизда Абдулла Қодирий асарлари кириб бормаган бирорта ҳам хонадон бўлмаса керак. У факат ўзбекларнинг эмас, балки Туркистон халқларининг ҳам севимли адеби, озодлик ва истиклол куйчисидир».¹ Шу маънода илмий муаммонинг қодирийшунослик мисолида айнан мустақиллик шароитида тадқиқ этилиши ҳам ўзига хос эркин фикр айтиш имконини беради.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари

Мазкур диссертацион ишдан кўзланған мақсад XX аср ўзбек адабиётшунослигидаги ілмий талқин мөхиятини, бадий асар талқиннага вульгар социологизм ва ҳукмрон мағкура таъсирини, биографик маълумотиниң бадий асарни, ижодкор эстетик дунёсини тушунишда қанчалик муҳимлигини, шунингдек, хориждаги қодирийшуносларнинг

¹ Каримов И.А. Ўзбек тарихи озод ва обид жалан қолсун. 2-том -Т.. Ўзбекистон, 1996. - Б.285-286.

карашларини, умуман, Абдулла Қодирий ижоди ҳамда ҳаётига оид илмий манбаларни текшириб, муайян илмий-назарий хуросалар чикаришдан иборат. Бу максадни амалга ошириш учун куйидаги вазифаларни жиiddий тадқиқ этиши лозим бўлади:

- «талқин» атамаси ва унинг дунё адабиётшунослигидаги фалсафий-эстетик моҳиятини кузатиш;

- 20-йиллар илмий-адабий мухитида турли илмий йўналишлар пайдо бўлганлиги ва 30-йиллардан бошлаб, адабиётшунослик, адабий танқид ягона давлаг сиёсати йўриғига мослаштирилганлигининг сабаб ва оқибатларини мавзу нуктаи назаридан ўрганиш;

- тоталитар адабий сиёсатининг адабиётшуносликка ўтказган тазиики туфайли илмий-адабий тафаккурда жўнлик, юзакилик майдонга келганлигини кўрсатиш;

- давр сиёсатининг ўзгариши адабиётшунослик ва адабий танқидга, хусусан, қодирийшуносликка жиiddий таъсири этганлигини текшириш;

- XX аср ўзбек адабиётшунослигидаги баъзи назарий баҳслар (социалистик реализм, ижодий метод масалалари) бевосита Абдулла Қодирий ижоди атрофида кечганилиги сабабларини ойдинлаштириш;

- бадиий асарга социологик, эстетик, психологик, биографик ёндашувлар орасидаги умумназарий муносабатни адабий талқин таълимоти нуктаи назаридан тадқиқ этиш;

- Абдулла Қодирий сатирик асарларининг янгича талқинлари адаб дунёкарашига, эстетик идеали ва турмуш тарзига накадар мувофиқ келишини ўрганиш;

- биографик маълумотлар, замондошлар хотиралари, архив хужжатларининг адабий талқиндаги ўрни ва аҳамиятини кўрсатиш;

- хорижлик олимларнинг (Э.Олворт, Х.Мурфи, Э.Наби, З.Клайнмихел, И.Балдауф) талқинлари моҳиятини аналитик тадқиқ қилиш ва ҳ.к.

Дунё адабиётшунослигидаги герменевтикани адабий талқин таълимоти, талқин назарияси сифатида адабий танқидчилик ва адабиётшунослик учун назарий-методологик асос қилиб олишга уринишлар кучли. Герменевтика ўзбек адабиётшунослигига ҳам кириб келмоқда.¹ Юкорида айтиб ўтилган мақсад ва вазифаларни бажаришда назарий жиҳатдан герменевтикага доир русча, баъзан олмон тилидаги илмий адабиётларга муружаат этилди.² Диссертация талқин муваммосини тадқиқ этар экан, кўпроқ адабий-илмий воқелик натижалари ва унинг сабаблари устида фикр юритади.

¹ Карап: Расулов А. Плми ғарібзин кўмасб. -Т.: Маннингият, 1998 -Б.53-54; Эркинов А. Герменевтика - матн талқинни таълимоти Жамнига ва бошқарув. -1992. -№1; Куронов Д.Х. Чултон поэтикаси (настрий аспарлар асосида). Филолог. филолог доктори... дис. ... Т.: 1998; Эркинов А.С. Алишер Навоий «Ҳамзасен талқинининг XV-XX ҳср манзублари. Филолог. филолог доктори... дис. ... Т.: 2002. -Б.15-39; Расулов А. Хозирги ўзбек танқидчилинида талқин ва талқин муваммоси. Филолог. филолог доктори... дис. ... Т.: 2002.

² Борев Ю. Эстетика. -М.: 1988; Борев Ю. Искусство интерпретации и оценки. -М.: 1981; Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества. -М.: 1979; Гадамер Г.Г. Истина и метод. -М.: 1988; Гадамер Г.Г. Актуальность прекрасного. -М.: 1991; Jeremy Hawthorn Grundbegriffe moderner literaturtheorie. -Basel, 1994; Jürgen Schulte Einflüsse in die literaturinterpretation. -Stuttgart-Weimar, 1997.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги

«XX аср ўзбек адабиётшунослигига талқин муаммоси» дея номланган ушбу мавзу, аввало, масаланинг айни тарзда биринчи марта қўйилганлиги, мисол сифатида тадқиқот асосида яхлит ҳолатдаги қодирийшунослик турганлиги, илмий муаммо ечимида назарий-методологик жиҳатдан кўпроқ дунё адабиётшунослиги ва эстетикасидаги герменевтика таълимотига асосланиши, талқинда матнинг аҳамиятига ургу берилганлиги билан янгилик касб этади. Шунингдек, қадимги шарқ илм оламидаги шарҳ, тафсир таълимотига оид фикр-мулоҳазалар, адабий талқин нуқтаи назаридан қодирийшуносликнинг энг асосий мазмун-моҳиятини ўзида мужассам этган хulosалар янгилик саналади. Вульгар социологик талқинлар хусусида фикр юритилган саҳифаларда баъзи манбалар¹, хориждаги қодирийшуносларнинг айrim илмий қарашлари, умуман, илмий-адабий муомалага биринчи марта олиб кирилди.

Санъат асарининг гоявий-бадиий моҳиятини тушуниш ва тушунтирища нафақат филологик билим, балки ижодкор биографиясига тегишли маълумотларни, рамзий имзоларнинг асл ҳақиқатини, тарихий шарт-шароитни билищ психобиографик талқин учун мухим бўлишини таъкидлаган хulosалар ишнинг янги жиҳатларидир. Қодирийшунослик тарихида ижтимоий-социологик, гоявий-эстетик талқинлар билан бирга психологик, биографик, этик, структурал ёндашувлар кўзга ташланиши, уларни чуқурлаштириш зарурати борлигига доир хulosалар ҳам ишнинг янгилиги ҳисобланади.

Бадиий талқин билан илмий талқин орасидаги мувозанатнинг бузилишига XX аср адабиётшунослигига кўпинча адабиёт ва сиёсат ўргасидаги муносабатлар сабабчи бўлганлиги, шунга қарамай, қодирийшунослик доирасида санъат асарининг поэтик моҳиятини очиб берган талқинлар юзага келганлиги хусусида ҳам эътиборли қарашлар илгари сурилди. Шунингдек, ишда Абдулла Қодирий романларининг ўзбек романчилигига таъсири, хронотопи, маълум бир маънавий-ахлоқий талқинига оид янгича қарашлар баён қилинган.

Тадқиқотнинг методологик асоси

Ишнинг методологик асосини фалсафий билиш назариясининг умумий конуниятлари, адабиётшуносликдаги тарихий-қиёсий иринцил, социологик, биографик, психологик методларнинг назарий асослари ҳамда герменевтика таълимоти ташкил этади. Тадқиқотда илмий-назарий жиҳатдан дунё адабиётшунослиги ҳамда эстетик тафаккурида чуқур из қўйдирган Г.Г.Гадамер, Р.Барт, М.М.Бахтин, Ю.Борев, Л.Шестов, Ш.Сент-Бёв, А.Моруа, Л.С.Выготский, М. Храпченко, Г.Гарин каби олимларнинг илмий қарашларига таянилди. Шунингдек, мазкур соҳа билан шугулланган И.Султонов, Ҳ.Ёкубов, М.Қўшжонов,

¹ Бузрук М. «Мехробдан чойн» Шарқ ҳақиқати. -1929. -1,2 апрель.

О.Шарафиддинов, Л.Қатомов, У.Норматов, Н.Каримов, Б.Назаров, Х.Абдусаматов, С.Мирвалиев, Б.Қосимов, Б.Саримсоқов, А.Алиев, И.Мирзаев, А.Расулов, Б.Йўлдошев, Ҳ.Исматуллаев, Ш.Турдиев, М.Маҳмудов, Д.Куронов, А.Эркинов каби ўзбек олимларининг илмий ишлари ушбу тадқиқотни бажаришда ёрдам берди ва кодирийшуносликка дахлдорлари асосий манба вазифасини ўтади.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти

Ушбу тадқиқотнинг хулосалари XX аср адабиётшунослигининг умумий, кодирийшуносликнинг хусусий ҳолатини тасаввур этиш, герменевтиканинг муҳтасар тарихи, унинг назарий-методологик имкониятларини англаш, илмий-адабий талқин ва муайян асарни баҳолашда санъатнинг азалий қонун-қоидлари асосида мантикий фикрлаш нақадар кийматли эканлигини ҳис қилиш, тушуниш, тушунтириш ва тушунишдан олдинги ҳолатда бадиий матн ниҳоятда муҳимлигини уқиб олиш жиҳатидан аҳамиятлидир. Шунингдек, мазкур иш Абдулла Қодирий ижодининг талқини тарихини, қодирийшуносликнинг яхлитлашган тарихини, ўзбек адабий-назарий тафаккури даражасининг умумий манзарасини тасаввур қилишга ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларидан олий ўқув юртлари ва мактаблар учун «XX аср ўзбек адабиёти тарихи», «XX аср ўзбек адабиётшунослиги тарихи» дарслер ва кўлланмаларини тузища, ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқидчилигига, муайян ёзувчи ижодига тегиши махсус курс ва семинарларда фойдаланиш мумкин. Айни пайтда, магистрант талабаларга муайян адабий-назарий муаммо бўйича ихтинослик курслари олиб бориша ёрдам беради.

Тадқиқот обьекти

Объект учун қодирийшуносликка доир манбалар, хусусан, С.Хусайн,¹ Миён Бузрук,² Ойбек,³ И.Султонов,⁴ М.Кўшжонов,⁵ С.Мирвалиев,⁶ И.Мирзаев,⁷ А.Алиев,⁸ У.Норматов,⁹ Ҳ.Абдусаматов,¹⁰ М.Маҳмудов,¹¹ Ҳ.Қодирий,¹² Н.Боқий¹³ сингари олим ва ёзувчиларнинг асарлари олинди. Лозим ўринларда Абдулла Қодирийнинг бадиий асарлари ҳамда адабий-танқидий мақолаларига мурожаат этилди. XX аср

¹ Хусайн С.Ўтқан кунлар. Тошкент-Боку: Ўзнаш, 1931.

² Бузрук М.«Мехробдан чайё» Шарқ ҳақиқати, -1929.-1,2 апрель.

³ Ойбек Абдулла Қодирийнинг ижодий шули -Т: УзССР физикар комитети нашриёти, 1936.

⁴ Султонов И. Абдулла Қодирий ижоди чанқида Пъесалар, маколалар -Т: УзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1959.

⁵ Кўшжонов М. Абдулла Қодирийнинг таснифи санъати -Т: Фан, 1966; Кўнинсонов М. Қодирий -эрксизлик курбони -Т: Фан, 1992.

⁶ Мирвалиев С. Ўзбек романни -Т: Фан, 1969.

⁷ Мирзазев И. Абдулла Қодирийнинг назарий эволюцияси -Т: Фан, 1977.

⁸ Алиев А. Ижоди таъсирчиларни -Т: Фағур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. Алиев А. Абдулла Қодирий -Т, 1967.

⁹ Норматов У. Қодирий боғи -Т: Ёзувчи, 1995. Норматов У. «Ўтқан кунлар» хайрати. -Т: Ўқитувчи, 1996.

¹⁰ Абдусаматов Ҳ. Танқидин, тонг отиш? -Т: Фан, 1992.-88 б.

¹¹ Маҳмудов М. Талант ва ижод фалсафаси -Т: Фағур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976.

¹² Қодирий Ҳ. Отам ҳақиқати -Т: Фағур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983; Қодирий Ҳ. Қодирийнинг сунгги кунлари, Ешилик -1989.-№4, №5, №6 №7.

¹³ Боқий Н. Қатниома. -Т: Фағур Ғулом номидаги НМБ, 1992.

ўзбек адабиётига муносабат билдирган Э.Олворт,¹ Х.М.Мурфи,² Э.Наби,³ З.Клейнмихел,⁴ И.Балдауф⁵ каби олимларнинг баъзи илмий асарлари ҳам манба вазифасини ўтади. XX аср ўзбек адабиётшунослигига биргина қодирийшунослиқдан иборат эмаслиги ҳар кимга маълум. Шу боис талкин муаммосини янада теранроқ тадқик этиш учун ўрни-ўрни билан Фитрат, Чулпон ва Абдулла Қаҳхор ижодига доир илмий-адабий манбалар ҳам қиёсан кузатилди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўтган аср мобайнида Абдулла Қодирий ижодига жуда кўп олимлар, адабиёт муҳиблари ихлос билан қараб, мақолалар ёздилар. Шунингдек, кейинги йилларда баъзи номзодлик диссертациялари ҳам химоя қилинди.⁶ Уларнинг ҳажмини, сон-саногини аниқлаб, библиография тузиш маҳсус амалий-илмий фаолият талаб этади. Биз тадқикотнинг манбавий асоси учун қодирийшуносликни мисол килиб олар эканмиз, Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодига тегишли ҳар қандай катта-кичик манбага тўхтамай, энг муҳимларини саралаб ажратиш, фарқли талқинлар берилган манбаларни танлаш ўйлidan бордик.

Иншинг илмий жамоатчилик эътиборидан ўтиши

Диссертацион иш Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети «Ҳозирги ўзбек адабиёти» ҳамда «Жаҳон адабиёти ва назарияси» кафедраларида тайёрланди.

Мазкур тадқикот асосидаги маҳсус курс маъruzалари Ўзбекистон Миллий университети Ўзбек филологияси фақультети талabalariга бир неча бор ўқилган (1999-2001). Мавзу бўйича Берлиндаги Гумбольдт университети Ўзбек тили, адабиёти, маданияти ва тарихини ўрганаётган талabalар хузурида ҳам маъруза килинган (1998 йил октябрь-ноябрь).

Тадқикот юзасидан Ўзбекистон Миллий университетида ҳар йили ўтказиладиган анъанавий илмий анҷуманларда, республика миқёсидағи адабиётшуносликка бағишиланган илмий конференцияларда маъruzalар килиниб, илмий жамоатчилик эътиборидан ўтказилди.

Диссертация Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети «Ҳозирги ўзбек адабиёти» ҳамда «Жаҳон адабиёти ва назарияси» кафедраларининг (2001 йил 26 сентябрь), ЎЗР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти «Адабиёт назарияси» ва «XX аср ўзбек адабиёти» бўлимларининг (2002 йил 18 февраль) кўшма йигилишларида муҳокама қилиниб, химояга тавсия этилган. Шунингдек,

¹ Олворт Э. Ўзбек адабий сенесати. Лондон-Париж. 1964.

² Мурфи Х.М. Абдулла Қодирий романларининг илк ўзбек адабий лиъналанарига алоқаси. ДД. 1980. Вашингтон университети.

³ Наби Э. Ўрта Осиёнинг ўтиши даври адабиёти: 1909 йилдан 1932 йилгача тоҷик ва ўзбек баданий прозаси. ДД. 1975. Колумбия университети.

⁴ Клейнмихел З. Шарқона ёниш лиънасанининг ривожланиши: 1910-1934 йиллар ўзбек драма ва насрӣ асарлари тадқики. - Виебаден. 1993.

⁵ Балдауф И. Ҳакқиат ахтари // Миллий тикланиш. -1998. -20,27 октябрь.

⁶ Бобонизов А. Абдулла Қодирийнинг «Ўтқан кунларо романнинг тасвирий воситалар ва тия бадниятин. КДА. -Т.: 1995; Махмудова

З. Абдулла Қодирий «Ўтқан кунларо романнининг миллӣ ўзига хосигиги. КДА. -Т.: 1996; Махсумхонов С. Абдулла Қодирий ижодида ҳажмини музаминоси. КДА. -Т.: 1997; Тулаганова С. Ўзбек романчилигига ёрдамчи қаҳрамон ва унинг бадший функцияси. КДА. -Т.: 1999; Қаҳрамонов А. «Мехробдан чайён» романи поэтикан. КДА. -Т.: 2000.

илемий семинарларда ҳам диссертация асосидаги маърузалар муҳокама килиниб, очик ҳимоя учун тавсия этиш хуласалари берилган.

Диссертациянинг асосий мазмуни «Ўзбек тили ва адабиёти», «Жамият ва бошқарув», «Тафаккур», «Шарқ юлдузи», «Жаҳон адабиёти», «Гулистан», «ЎзМУ хабарлари», «Тил ва адабиёт таълимни» сингари журналларда эълон этилган йигирмадан ортиқ илемий мақолада ўз ифодасини топган.

Тадқиқотнинг тузилиши

Диссертация кириш, ҳар бири уч бобни қамраб олган уч бўлим, хуласа ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган.

Диссертациянинг асосий мазмуни

«Кириш»да тадқиқот мавзуининг долзарблиги, илемий янгилиги, мақсад ва вазифалари, объекти, назарий-методологик асоси, илемий ва амалий аҳамияти баён қилинган.

Диссертациянинг биринчи бўлими «Дастлабки талқинлар моҳияти: зиддият ва бирёзламаликлар» деб номланади. Унинг назарий-методологик қийматга эга бўлган «Талқин» атамаси номли биринчи бобида дунё адабиётшунослиги ва фалсафасидаги герменевтика таълимоти хусусида фикр-мулоҳаза юритилган. Шунингдек, «талқин» сўзи истилоҳий ва лугавий жиҳатдан киёсий тарзда изоҳлаб берилган.

Гарчи «талқин» атамаси ўзбек тилидаги фалсафа, эстетик ва адабиётшуносликка оид луғат китобларидан маҳсус илемий истилоҳ сифатида ўрин олмаган бўлса-да, умуман «интерпретация» атамаси ёки русча «толкование» сўзининг муқобили ӯлароқ тушунилади. «Талқин» сўзи герменевтика таълимотида истилоҳий мазмунда келади. Герменевтика-нинг ўзи эса, гарбда икки хил - 1.Матн талқини назарияси ва амалиёти; 2.Замонавий фалсафадаги оқимлардан бири маъносида изоҳланади.¹

Бадиий матнни тушуниш ва тушунтириш методологияси сифатида адабиётшунослик соҳасида хусусийлашганда герменевтика ўз фалсафий-назарий имкониятлари мавжудлигини намоён киласди. Бирор, бу таълимот шаклланиш босқичида эканлигини ҳам назардан қочирмаслик лозим.²

Чунончи, немис олимлари герменевтиканни айни фалсафий тушунчанинг тараққиёт босқичларидан келиб чиқсан ҳолда ўз моҳиятига мувофиқ кўйлайди. Бошқалар эса, масалан ҳатто англиялиқ, американлик олимларнинг аксарияти герменевтиканни оддий «интерпретация» маъносида ишлатади.³

«Герменевтика» атамаси этимологик жиҳатдан қадим грек афсоналарига бориб такалади. Ривоятларга кўра, Олимп тоғидаги

¹ Современная западная философия. -М.: 1991. - С.74.

² Борев Ю. Эстетика. -М.: 1988. -С. 430; Эстетика. Словарь. -М.: 1989. -С. 59.

³ Hawthorn J. Grundbegriffe moderner literaturtheorie. -Basel: 1994. 117-120.

«килох»ларнинг амр-фармон ва хабарларини Гермес одамларга олиб келиб, тушунтириб, талқин эгид берган. Қадим Рим мифларида бу вазифани Меркурий (Аторуд) бажарган. «Гермес» билан «герменевтика» орасидаги талаффузда ҳам, вазифадошлиқда ҳам яқинлик бор.¹ Қадимги юонон файласуф ва филологлари герменевтика асосида қадимги юонон шоирлари, энг аввало, Гомер асарларини талқин қилган, турли рамзларни шарҳлаганлар. Ўрта асрларда герменевтика Инжилни талқин этишда қўл келган.

Герменевтиканни ижтимоий фан соҳасига назарий-методологик асос сифатида татбиқ этишда Ф.Шлейермахер (1768-1834), В.Дильтей (1833-1911), экзистенциалист М.Хайдеггер (1889-1976) каби файласуфлар катта хизматлар қилган.² М.Хайдеггер шогирди Г.Г.Гадамер (1900-1991) герменевтика билан маҳсус шуғулланган ва ўзигача бўлган қарашларга анча батағсил муносабат билдирган олимлардан биридир. «Герменевтика - бу амалиётдир, - дея ёзди Г.Г.Гадамер. -Ҳакикатни ёлғиз бир одамгина англаб олиши ва бу ҳақда бошқаларга хабар бериши мумкин эмас. Бу герменевтиканинг фундаментал асосидир».³

Алоҳида олингандан сўз гап таркибига, гап эса матн таркибига, матн ёзувчи асарлари таркибига, ёзувчининг ижодий маҳсули бутуннин ташкил қилиб, қандайdir жанр ёки умуман адабиёт таркибига киради. Иккинчи томондан, матн бир бутунлигича ёзувчининг маънавий дунёсига алоқадор. Демак, тушуниши ана шу объектив ва субъектив жиҳатлар камровида тўлиқ намоён булиши мумкин.

Ижодкор қаламига мансуб ҳакиқий санъат намунаси - мўъжизакор бадиий асар - матндири. Матн йўқ жойда тушуниши ва тушунтириши, талқин ва таҳлил хусусида гап булиши мумкин эмас. Матн объектив оламнинг субъектив инъикоси, тушунчалар ифодасидир. Бадиий асар матни - талқин обьекти. Адабиётшунос ва мунаққид шу маинбани талқин этади. Ҳар қандай бадиий асар ўз субъекти (ёзувчиси, ижодкори)га эга бўлганидек, ҳар қандай илмий тадқиқотнинг ҳам ўз субъекти (ёзувчиситадқиқотчиси) бўлади. Демак, иккиласми бир обьект юзага келади. Қолаверса, ижтимоий фан соҳасининг энг муҳим хусусияти ҳам шу - яъни гоялар ҳакида гоялар, сўзлар ҳакида сўзлар, матнлар тўгрисида матнлар ёзилади.

Танқидлар танқид этилади, талқинлар талқин қилинади.

Тушуниш бир томондан матн моҳиятини, иккинчи томондан талқин этувчининг маънавий дунёси ва билимини кўрсатади. Тушуниш икки қирралидир. М.М.Бахтин ибораси билан айтганда, «диалогично»,

¹ Борев Ю. 'Эстетика'. - М.: 1988. - С. 430.

² Западная современная философия. - М.: 1991. - С. 249-250.

³ Гадамер Г. Г. Актуальность прекрасного. - М.: 1991. - С. 8.

унда иккита онг, икки субъект иштирок этади. Тушунтирищда эса бир онг, бир субъект ўзини намоён килади.

Тушунниш талқин жараёнининг ижодий натижасидир. Талқин - тушунниш ва тушунтириш жараёни. Юқорида айтганимиздек, адабиётшунос ва адабий танқидчилар бадиий асар матни билан иш кўради. Музыкашунос эса икро этилаётган куйни, санъатшунос расмларни, таржимон фикрларни, хукукшунос юридик қонунларни, актёр драматик образларни, театршунос саҳнани, математик олим формулаларни талқин этади.

Гарчи жуда кўп ўзбек адабиётшунослари герменевтиканинг қайсиdir приципларини ўз илмий фаолиятларида кўлласалар ҳам, ўша фикрлаш тарзи, гипотезалари, таккослари, ҳукм ва ҳулоса чиқариши усулларининг қайсиdir жиҳати герменевтик тафаккурга даҳлдорлигини хаёлларига ҳам келтиirmайдилар.

Чунки биз яқингача диалектик метериализм фалсафасидаги гносеология - билиш назариясини чукур ўрганганимиз ҳолда герменевтика - матни талқини таълимотининг жаҳон илм-фанидаги атамасидан ҳам аксар ҳолатларда бехабар қолдик. Шу сабаб ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқидчилигига бу атама кам учрайди.

Маълумки, адабиётшунослик ва адабий танқид ўтмиш шарқ маданиятида хилма-хил шаклларда мавжуд бўлган.³ Бирок бир савол тугилади: ўрга асрлар гарб илм оламида Инжил матнини талқин қилиш воситаси бўлган герменевтикага мос келадиган илм шарқ халқлари маданияти тарихида мавжудми?

Бунга жавобан беихтиёр Куръони Карим тафсирлари, Ҳадиси Шариф шарҳлари хаёлга келади. Мусулмон - шарқ дунёсида мазкур Муқаддас Китоб муносабати билан хилма-хил йўналишдаги кўплаб тафсирлар майдонга келгани ҳақиқатdir. Зотан, «...талқин мусулмон шарқида Куръон тафсирларидан бошланади».⁴

Тафсирларнинг эса турлари кўп.

Бу хусусда Ибн Касирининг «Тафсирул Куръонил Аъзийм» асарига доктор Абдураҳмон Муръашлий ёзган мұқалдимада қўйидаги маълумотлар мавжуд.

1. Лугавий тафсир. Бунда Куръоннинг тилига, нахвий жиҳатларига аҳамият берилган.

2. Ақлий тафсир. Бунда Куръони Карим ҳукамо ва донишманларнинг сўзлари асосида шарҳлашга эътибор каратилади.

¹ Карапнг. Баҳтиян М.М. Эстетика словесного творчества -М.: 1979. -С. 364-365.

² Хатамов Н. Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳи луҳати -Т.: Ўқитувчи, 1983. -Б.81-82; Раулов А. Танқидчилик уфқлари -Т.: Рағур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нацирати, 1985. -Б. 38-40.

³ Султон И. Адабиёт назарияси -Т.: Ўқитувчи, 1980. -Б.32-34; Валихўжев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи, X-XIX асрлар -Т. Ўзбекистон, 1993.

⁴ Оркинов А.С. Источники интерпретации «Хамса» Алишера Навона в XV-XX вв АДД. -Т.: 1998. -С. 16-17.

3. Фиқҳий тафсир. Бунда кўпроқ фиқҳга оид ҳукмларнинг манба ва далилларига аҳамият берилган.

4. Тарихий тафсирлар. Бу тур тафсир соҳиблари асосан Қуръондаги аввал ўтган умматларнинг қиссаларига, маълумотларига эътибор караган.

5. Фирқаларнинг тафсирлари. Бундай тафсирлари турли фирмалар ва фарқли ақида соҳиблари битишган. Улар Аллоҳнинг қаломини ўз мазҳабларига мос равища таъвиш этишга ҳаракат қилган.

6. Мутасаввифларнинг тафсирлари. Бу хил тафсир эгалари тарғиб ва тарҳиба, ботиний сирлар ва рамзий ишораларни очишга жаҳд килганлар.¹

Юнонча «*hermeneukos*» сўзида «тушунтирувчи» (разъясняющий, истолковывающий), «талқин этувчи» каби маънолар бор. Шунингдек, «интерпретация» атамаси ҳам лотинча «interpretation» сўзидан олинган бўлиб, лугавий жиҳатдан «талқин этиш» (толкование), «тушунтириш» (разъяснение) маъноларини билдиради.² Шулар катори айтиш керакки, «тафсир» арабча сўз. Унинг ўзаги «fasrun» - «тушунтирмок» маъносини англатади. «Фасрун»дан ясалган «тафсирун» сўзи «тушунтириш» (разъяснение), «талқин этиш» (толкование), «шарҳ» (комментарий) каби лугавий маъноларга эга.³

Олимп тоғидаги «илоҳ»ларнинг хатларини ва Йижил матнини шарҳлаш учун гарбда кўлланган герменевтика таълимоти билан Қуръони Карим оятларини шарҳлаш ва тушунтириш тарзида вужудга келган илми тафсир орасида ҳам лугат, ҳам моҳияг эътибори билан ўхшашлик бор. Айтиш мумкинки, шарқда ҳам герменевтика ўзига хос шаклда мавжуд бўлган.

Фикримизча, илми тафсир ва илми шарҳ сингари шарқ герменевтикаси муайян тараққиёт босиб ўтиб, замонавий шарқ адабиётшунослиги ва адабий танқидчилиги учун замин бўлган эмас. Бу илмлар ўзининг баҳс юритадиган мавзу доирасини кенгайтириб, гарбда «силиши» юз берганидек, бадиий адабиёт илми доирасига кириб келмади. XX асрда ўзбек адабиётшунослари шарқдаги анъанавий илмий таъмойилларга эмас, балки гарб олимларининг илмий-адабий мезонларига мурожаат этишга маъжбур бўлдилар. Нима бўлганда ҳам, шарқ герменевтикаси билан гарб герменевтикасининг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари киёсан ўрганилиши лозим бўлган масалалардан биридир.

Айни чоғда, бадиий матн обьект бўлса, уни нафақат адабиётшунос, балки оддий китобхон ёки қандайдир ижодкор-санъаткор ўзича, муаллифнинг ўзи ёки унинг энг яқин кишиси (умр йўлдоши, фарзанди, котиби) ўзича талқин қиласди. Баъзан муаллиф ноҳақ тақидаларга жавобан

¹ Абу Фидю Исломи ибни Кашир. Тафсирул Қуръония Аъзими. Бейрут.: Дорул маърифат, 1984. -Б.17.

² Эстетика. Словарь. Полиграф. -М.: 1989. -С. 114.

³ Арабско-русский словарь. Том 2, -Т.: Камилак, 1994.

асарини ҳимоя қилиб, ўз бадиий-эстетик гоясини, образлари моҳияти ёки маълум бир баҳсли эпизодларни изоҳлайди (бунга Абдулла Қодирий ва Сотти Ҳусайн баҳслари мисол). Ижодкорга ҳамроҳ шахсларнинг талқинлари (Масалан: Эккерманнинг «Гёте билан сұхбатлар», Ҳ.Қодирийнинг «Отам ҳақида», З.Саидносированинг «Ойбегим менинг» ва ҳ.к.) чуқур илмийлик ва назарий умумлашмалардан кўра кўпроқ хотирадар, оиласавий-маиший фактларга асосланган бўлади.

Ўтган юз йилликда чуқур илмий талқинлар мавжуд бўлганидек, афсуски, бирёклима гайрииимий, вульгарлашган ва субъективлашган мақолалар ҳам майдонга келди. Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Фиграт ва бошқа машҳур ижодкорларнинг ҳаёти, дунёкараши, асарлари ва қаҳрамонлари хусусида ёзилган илмий асарларда ўша ҳолат кўзга ташланади.

Адабиётшунослик якин ўтмишда методологик жиҳатдан марксизм-ленинизмга таянган бўлиб, ўша ижтимоий-сиёсий гоя таназзули билан методология ҳам тарихга айланди. Демак, адабиётшунослик методологик жиҳатдан янгиланиши лозим.

Дунё адабиётгунослиги диққат марказида турган герменевтика таълимотининг матнга мустаҳкам таяниш, бадиий матн моҳиятига мос фалсафий-эстетик ёндашиш, асардаги турли образларга ўзни киёслаш каби катор жиҳатларидан назарий-методологик асос сифатида фойдаланиш мумкин.

Ушбу бўлимнинг иккинчи боби **«20-30-йиллар муҳити ва «Ўткан кунлар» танқиди»** деб номланган.

20-йилларнинг мураккаб маънавий муҳитида шаклланган замонавий адабиётшунослик ва адабий танқидчилик матбуотда кўзга кўрина бошлаган ёш ижодкорларга ҳам, бадиий асарларнинг алоҳида нашрларига ҳам эътибор берар эди. Улар моҳияти жиддий текширилса, адабий жараён руҳияти, нисбаган эркин ижодий муҳит ва бегараз дастлабки талқинлар намоён бўлади. Биргина Абдулҳамид Чўлпон ижодига оид мақолалар силсиласи фикримизни тасдиқлайди.¹

Абдулла Қодирий эса, гарчи «Бахтсиз куёв», «Жувонбоз», «Улоқда» каби асарлари, айрим шеърлари ва айниқса, ҳажвий-публицистик чиқишилари билан оммага аллақачон танилган бўлса-да, 20-йиллар аввалида унинг ижоди маҳсус мақолалар учун мавзу бўлмади; маҳсус таҳлил ва талқин этилмади. Давр адабий кечимиға доир умумтавсифий мақолаларда эса, албатта, талантли қалам соҳиблари каторида санаб ва у ҳақда йўл-йулакай бир-икки жумла ёзib ўтилди. Бу манба-маълумотлар Абдулла Қодирий ижодига багишланган илмий ишларда деярли эсга олинмагани сабабли мазкур бобда Б.А.Пестовский, Абду-

¹ Каранг: Б. Карим. Чўлпон ижодининг дастлабки талқинлари · Таш/ДУ хабарлари. -1998. -№4.

раҳмон Саъдий, Али Исмоилзода, Неъмат Ҳаким, Вадуд Маҳмудларнинг мақолаларига кисқача тұхтаб үтилди.

20-йиллар охири 30-йиллар бошларыда янгича ижтимоий сиёсатта мос илмий-адабий мұхит яратыши йўлида ҳаракат этган Айн (Олим Шарафиддинов), Миён Бузрук, Сотти Ҳусайн, Жалил Бойбұлатов, Абдураҳмон Саъдий, Отажон Ҳошим каби қатор шахсларнинг асарларыда вульгар социологик талқинлар кузатылади.

Адабиёт ва санъатдаги вульгар социализм ҳодисаси нафакат ўзбек адабиётшунослари, балки ўша даврдаги В.Шулятиков, В.Переверзев, В.Фрічега үхаш рус олимлари ижодида ҳам мавжуд эди. Бундай ҳодисага ўша пайтлари жавоб ёзған шахслар ҳам бўлди.¹

Бадиий асарни сийқа, бирёклама талқин этувчи маданиятимиз, адабиётимиз тарихидаги вульгар социализм учун синфиийлик ва синфиий кураш мезон эди. Бу мезон «жадидчи», «миллатчи», «майдада буржуазия» вакили бўлган ижодкорларни бадном қўлди, машъум қатлоҳ сари етаклади. Бадиий асарни ёзувчи идеалига тескари тушуниш ва ёзувчи шахсиятини коралаш мақсадида тушунтириш илм-фанга мутглақо бегонадир. Зоро, 30-йиллар мунаққидлари учун холис илмий талкиндан кўра сиёсий қарорлар мұхимрок санаалган. 20-йилларнинг охири ва 30-йиллардаги бу ҳолат бадиий адабиёт устидан юритилган сиёсат, сўз эркинлигининг бўғилиши, нафис адабиётнинг партия қарорларини тарғиб-ташвиқ этадиган мафкуравий қуролга айлантириш жараёни билан изоҳланади.

Айни муаммони илмий жиҳатдан изоҳлашда Абдулла Қодирий ижодини бирёклама талқин қилган М.Шевердин, С.Ҳусайн асарлари тадқиқ этилди. Унга олимларимиз билдирган муносабатлар эътиборга олинди.

Тадқиқотда ўша дастлабки талқинларнинг айрим янгича қирралари ҳам очиб берилди. Зотан, С.Ҳусайннинг асл позициясини, талқин принципларидаги вульгарлашувни оқлаб ҳам, ёқлаб ҳам булмаганидек, унинг марксизмга самимий ишонганини ҳам, «Ўткан кунлар» романни табиатига хос айрим тўғри фикрлар айтганинги ҳам инкор этиб бўлмайди. Бир мисол. Сотти Ҳусайн ўз тадқиқотида айнан Абдулла Қодирий ўкишни тавсия этган Жўржи Зайдоннинг «Армануса» романни билан «Ўткан кунлар»ни таққослади. Адабий таъсирни далиллашга интилади.

Шуни алоҳида таъқидлаш лозимки, Жўржи Зайдон ва Абдулла Қодирий масаласи кейнинг давр қодириётшунослари томонидан ҳам жиҳдий ўрганилди.²

Бадиий асар талқинида 30-йилларнинг адабиётшунослари гўё марксизм таълимотига суюниди. Адабий таъқидчилик бадиий асарларда

¹ Розенталь М. Против вульгарной социологии в литературной теории. -М.: 1936. -С. 70.

² Мирвалеев С. Ўзбек романы. -Т.: Фан, 1969. -Б.102-108; Мирвалеев С. Абдулла Қодирий ва Жўржи Зайдон Адабий мерос. -1992.-№1. -Б.43-47; Махмудов М. Жўржи Зайдон ва Абдулла Қодирий Талант ва ижод фалсафаси. -Т.: Рафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёт, 1976. -Б.109-114.

«синфий кураш» накадар намоён бўлганлигини текшириб, «жадид»ларнинг режаларини, «аксилинкилобчи»ларнинг, «миллатчи»лар ва «майда буржуазия вакиллари»нинг фаолиятини қоралаб чиқди. Гарчи қисман ҳақ гашлар, тўғри мулоҳазалар айтилган бўлса-да, бадиий асарга ёндашувдаги ижтимоий-сиёсий талаб ўша айрим жиҳатларни босиб кетар эди. Ўша даврдаги мақолалар, рисолаларнинг муқаддимаси ёки хуло-сасида замон сиёсатининг илмий текширув учун тайёрлаб қўйган мезони, асарни тушуниш ва тушунтиришга оид йўлланмаси ёзиб ўтилган. Икод ахлини хушёрикка чорлаш, уларга йўл курсатиш бу адабий сиёсатга хос хусусиятдир. Бир мисол. С.Хусайн ёзди: «Умуман буржва алиблари ва тарихчилари тарихий фактларни ўз мафкураларига мос килиб олиб нотўғри таҳдил қиласидар. Аммо, уларнинг яратган асарлари ҳар ҳолда қисман даврдан маъдумот берадилар. Масалан: А. Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романни бизга оғекябрь кунлари ва унинг маҳкамланиши вақтидаги майда буржуазиянинг руҳини, фикрини очик тушунтирадир».¹

Ойбек 1936 йилда «Абдулла Қодирийнинг исходий йўли» номли рисола ёзган. Рисоланинг ўша дастлабки нусхаси, билан кейинчалик таҳrir қилинган нусхаси талқин жиҳатидан фарқланади. Мазкур икки нусха икки давр маҳсулидир. Тадқикотда муаллифнинг руҳий аҳволи, тарихий муҳитнинг сиёсий ҳолати инобатга олинди. Зотан, Ойбекнинг аҳволи бу даврда яхши эмас эди, унга муносабат 20-йиллар охири 30-йилларнинг бошига келиб ёмонлашган эди. 1937 йилдан эътиборан Ойбекнинг ишдан ҳайдалиб, бир-икки ийл ишсиз колгани яна маълум.²

Илмий-адабий муҳитдда ягона давлат сиёсий мафкураси ҳукмрон бўлгандан сўнг эса, 30-йиллардаги талқинларда якранглик, вульгарлапшув, синфий ёндашув, бадиий асар матнидан узоқлашув кучайди. Окибатда ёзувчи, шоирлар шахси ва ижодига турли нолойик айбномалар тақалди.

Бу даврда кўпинча бадиий асарлар замон талаби ва мажбуриятлари туфайли матнга мувофиқ келмаган ҳолда тушунтирилди. Баъзан эса тушунилган, ҳис этилган эстетик ходисанинг моҳиятига якин келадиган айрим фикрлар ҳам айтилди.

Чинакам саитъат намунасининг талқинига сиёсат аралашса, асар замонага мосланса, илмий холислик йўқолади, эстетик моҳият очилмайди, герменевтик мувозанат бузилади. Гарчи аниқ бадиий қашфиёт даражасига етган «Ўткан кунлар»дек санъат асарлари маълум бир макон ва замонда яратилса ҳам, бадиий-эстетик қувватининг инерцияси билан замон ва макон сарҳадларини енгиб ўтади, абадийлик сари юз тутади.

¹ Хусайн С. «Ўткан кунлар». -Тошкент-Боку. 1931. -Б. 121-122.

² Ойбекнинг бошига тушган бу машҳуллар тўғрисида каранг: Сандносирова Зарифа, Ойбеким меннинг. -Т.: Шарқ, 1994. -Б. 161-169. Ҳошимов О. Ўзбек пролетар адабиёти учун курашмак керак. - Аланса. -1930. -№7-8. 15 йил ичидаги ўзбек совет адабиёти. -Т.: Нафис адабиёт давлат нашриёти, 1934. -Б. 51.

Тадқиқотнинг «Илмий талқиндаги тасдиқ, инкор ва зиддиятлар» дея номланган учинчи бобида адібнинг иккинчи романы талқини тарихига назар ташланган.

Маълумки, адібнинг иккинчи машхур «Мехробдан чаён» романы ҳам адабиёт муҳиблари қалбидан мустаҳкам ўрин олди. Асар дунёга келгандан бери китобхонлар томонидан севиб мутолаа қилинади; ишқий саргузаштлар, жасурана интилишлар, турли қаҳрамонларнинг зиддиятли кечинималари, адолат учун кураш манзаралари тақрор ва тақрор ёдга олинади. Шунингдек, романнинг шакл ва мазмуни, образлар тизими ва тасвир жозибаси, тил ва услуби, умуман, асар борлиги ҳар вақт адабиётшунос олимларнинг дикқат-эътиборини ўзига жалб этиб келди. Зоро, «Мехробдан чаён»нинг ўзбек адабиётида ўзига хос ўрин эгаллаб келишининг ҳам, нисбатан умрбокийлик даражасининг ҳам сабаби айнан роман турли даврларда турлича таҳлил ва талқинлар учун манба бўла олганлигидадир.

Ўзбек адабиётшунослигига «Мехробдан чаён»га муносабат Ойбекнинг «Абдулла Қодирийнинг ижодий йули» рисоласи билан бошланганилиги таъкидлаб келинади. Аммо романнинг дастлабки талқини унинг нашрига санадоидир. 1929 йили «Шарқ ҳақиқати» газетасида Миён Бузрукнинг қодирийшунослар кўп ҳам аҳамият бермай келаётган¹ «Мехробдан чаён» (Мавзуи, синфий тузи ва тузилиши жиҳатидан текширилмишдур) сарлавҳали мақоласи ўзлон қилинади.² Дарҳақиқат, иккинчи романнинг биринчи талқини шудир. 20-йиллар охири ва 30-йиллар адабий танқидчилигига хос қатор хусусиятлар М.Бузрукнинг ана шу «ғӯё, елдек келган-у, селдек кетган» (Х.Қодирий таъбири) мақоласида ҳам ўз ифодасини топган эди.

Ёзувчининг эстетик идеалини ҳам, асар моҳиятидаги нафосатни ҳам аниқ-тиник тушунган ҳолда, сиёсатнинг монеъликлари туфайли уларни тушунтиришнинг имкони бўлмаса, албатта, ғайритабии талқинлар пайдо бўлади.

«Мехробдан чаён»нинг 60-80-йиллардаги талқинларида Анварнинг қўйи табакадан танланиши Абдулла Қодирий дунёкарашидаги ижобий, эволюцион ўзгариш эканига қайта-қайта ургу берилди. Адаб иккинчи романини ёзиши билан баъзи бир «ғоявий-бадиий маҳдудликдан» қутулгани, юксак камолотга эришгани эътироф этилди. Бироқ, 1929 йили айнан «Ўткан кунлар»га киёсан иккинчи роман камолотидан М.Бузрукнинг кўнгли тўлмаган эди.

Хўш, бундай фикрлар, кўра-била туриб бири эвазига бошқасини сунъий равищда юксалтириш кимга, нима учун зарур бўлиб қолди? Бу

¹ Бў манба Ш. Турсуневнинг «Абдулла Қодирий меросини ўрганиш тарихидан» («Адабиётшунослик ва тиљшунослик масалаларин», 2-китоб, -Т.: Фон, 1961.-Б. 74-83)номли мақоласида ҳамда Х. Қодирийнинг «Отам ҳақида» (-Т.: Енфур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат ишарёти, 1983.-Б. 138.) деган китобида тилга олинган, холос.

² Бузрук М. «Мехробдан чаён». Шарқ ҳақиқати. -1929. -1,2 април.

замонабоп мулоҳазалар А.Қодирийни «сүяш», «ҳимоя килиш» учун айтилаётган эдими? Давр ўтиши билан адебининг марксчи-ленинчига айланга борганилигини таъкидлашмоҳиятида ижодкорни эъзозлаш нияти яширинган эдими? Манбајарга кўра, Абдулла Қодирий аллақачон оқланган, унинг шахси ва ижодий мероси узра кезиб юрган баҳайбаг кора булатлар аллақачон тарқаган эди. Балки давр ва сиёсат такососига кўра адаб ижодидаги «социалистик элементлар»ни айрим олимлар атайнин бўрттиргандир. Аммо бу «катаинилк» кейинчалик баъзи олимлар талқинида дастурламалга айланниб қолгандек таассурот бсрари. Улар «Мехробдан чаён»нинг «Ўткан кунлар»дан ғоявий-бадиий юқсанлигини кайта-кайта уқтиридилар.

Умуман, истеъоддли адебининг икки гўзал эгизак асарлари талқинлари қиёслангандан бирини бошқаси эвазига сунъий равишда камситиш ёки атайлаб ортиқча фазилатли килиб кўрсатиш үзини оқламаслиги маълум бўлди.

«Мехробдан чаён» романининг мавзуи ҳақидаги сўзбоши асарни синфий нуктаи назардан талкин этиш билан жуда кўп жиҳатдан боғликдир. Роман устида тадқикот олиб борган ҳар бир олим сўзбошини эътиборсиз қолдирган эмас. Балки романга шу мукаддима орқали кириб боришиган. Аслида, қалтис давр кирдикорларини кузатиб турган ёзувчи эҳтиёт чораси юзасидан романни ўқишига «тўғри йўлланма» берувчи мукаддимани атай ёзган кўринади.

Эстетик воқеликка нисбатан бир ҳақикат шуки, қачон ёзувчи ёки шоир ўзи ёзган асарнинг мазмун-моҳиятига, унда нимани ёзган-ёзмаганига муносабат билдира бошлаган нуктадан эътиборан жозиба ортга чекинади. Чунки ижодкорнинг илгариги руҳий, гайришуурый равиша тўлиб-тошиб ёзган ҳолати билан ақл юритиб ўзини-ўзин анализ килаётган пайтдан кейинги ҳолати зинҳор мос келмаслиги мумкин.

Мавзуга кайтиб, фикрлашайлик. Роман ёзib туталланган. Унга охирги нукта қўйилган. Қарангки, сўнгра «Романинг мавзуи тўғрисида» деган мукаддима битилган. Унинг тагига «Абдулла Қодирий (Жулкунбой), Тошкент, 5 февраль, 1928 йил» имзоси ва санаси қўйилган.

Орадан ўн кун ўтгач: «Мирзо Анварнинг кейинги ҳаёти тўғрисида», деган сўнгсўз ёзилган ва унинг охирига «Абдулла Қодирий (Жулкунбой), Тошкент, 15 февраль, 1928 йил» тарихи битилган. Ҳар бир сўзга эътибори кучли адаб бу тадбири билан ўз романини «Сўзбоши» ва «Сўнгсўз» кўргонлари орасига олиб, кутилган хужумлардан ҳимоя килишини ниятлаган бўлиши эҳтимолдан узок эмас. «Сўнгсўз»да: «Мирзо Анвар Худоёрнинг қўли стмайдиган Тошкенданда (**Урис қўли остида**) тиич, аммо жуда ҳам факир яшаган...», жумлалари бор. Биз таъкидлаган ва муаллиф қавсга олган сўз биримасига эҳтиёт чораси, ҳимоя тадбири маъносини бериш мумкин.

Сўзбошини ўқиган талкинчилар эса романдан астайдил икки синф курашини изладилар. 30-йилларнинг мунаққидлари мукаддимадаги фикр исботини ичкаридан топа билмай, у билан матнни икки хилда кўрдилар. Абдулла Қодирий 30-йиллар мунаққиди назарида «янги мафкурага руҳан таниш ва йўлдош бўлиб етмаган» эди. Орадан йиллар ўтгач, «ёзувчи дунёкарашида ижобий эволюция юз бергани» маълум килинди. Роман талқинига давр сиёсати ва давлат мафкураси накадар кучли таъсир этгани шу киёсдан ҳам кўриниб турибди.

Рус адабиётшуноси М.М.Бахтин муаллиф ва қаҳрамон масалаларини текшира туриб, бу муносабат уч хилда бўлишини айтган эди. Биринчи ҳолатда, ёзувчи ўз қаҳрамони устидан ҳукмронлик қила билмайди, уни бошқара олмай қолади; қаҳрамон ўз табиати мантигига кўра ечимга боради. Иккинчи ҳолатда, муаллиф қаҳрамонларни ўз идеясига тўла бўйсундириб олган бўлади, улар қўпроқ ёзувчи истагига биноан ҳаракат қиласидилар. Учинчи ҳолатда эса, қаҳрамоннинг ўзи муаллифга айланади, гўё саҳнада роль ўйнаётгандек шахсий ҳаёти хусусида ўзи эстетик мулоҳаза юритади.¹

Абдулла Қодирийнинг ижодий меросида, хусусан, «Мехробдан чаён» романida бундай қаҳрамонлар бор, албатта. Аммо 60-80-йиллардаги адабиётшунослар «Мехробдан чаён»га қўпроқ феодализмни, эксплуататорлар синфини фош қилувчи асар сифатини бердилар.

Хуллас, «Мехробдан чаён» романи талкинидаги бирёзламалик, инкор ва зиддиятлар тарихий шарт-шароит, шунингдек, адабиётшунослар жасорати, дунёкараши ва умуман эстетик диди билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг кейинги бўлими «Абдулла Қодирий ижоди талқинининг иккинчи босқичи» деб аталади. Бу бўлимнинг «Илмий-адабий мухит ва гоявий-бадиий ҳулосаларнинг ўзгариши» номли биринчи бобида адаб асарларининг ўзгарган талкинлари бевосита ижтимоий-сиёсий жараёнларга боғлиqlиги таъкидланди.

Маълумки, адабиёт ва ижтимоийлик, адабиёт ва сиёсат XX аср адабиёти ва санъати учун ёндош тушунчалардир. Ижодкор томонидан яратилган асарнинг ижтимоий мазмунни, социал моҳияти нимани ташкил этади; кайси табака манфаатига хизмат киласиди, деган масала ҳам айнан ўша адабиётнинг жамият ва сиёсатга алоқадорлигининг бир қиррасини намоён этади.

XX аср ўзбек адабиётшунослиги тарихидаги талкин муаммосини тадқик этишда юқоридаги жараёнларни четлаб ўтиб бўлмайди. Зоро, бадиий адабиётнинг йўниалиши давлат идораларига, бадиий асар талқини, таҳлили ҳамда баҳоси давр ва давлат мафкурасига, ҳукмрон сиёсатга алоқадорлиги айни ҳакикатдир.

¹ Бахтин М. Эстетика словесного творчества. - М.: Изд. «Искусство», 1979. - С. 18-21.

Абдулла Қодирийнинг оқланиши, асарларининг қайтадан оммага тақдим этилиши уларнинг нафақат яроқли-яроқсиз, ғоявий жиҳатдан зарарли-зарарсизлиги, балки ижтимоий-сиёсий мухит об-ҳавосига ҳам боғлиқ эди. Адиб тұғрисида үтказилған мағфий текширувлар, мутахасис ҳамда ёзувчиларнинг яшірінча берган маълумотлари замонага мосланған мулоҳазалар эди. Тадқиқтода шу масалага доир архив манбалари ҳам берилди; улардан талкінга алокадор күчирмалар келтирилди.

Аввало Иззат Султоновнинг чикишларига әйтибор қаратылды.¹ Айни өткөнде, устоз қодирийшуноснинг талқин билан боғлик мұхим бир хотира-әтириофлари ҳам инобатта олиниди. Олим Мұхтор Авезовнинг маслаҳатини хотирлаб ёзади: «Бу сатрларнинг муаллифи билан сұхбатда Авезов бу ишни (Абдулла Қодирийни оқлаш масаласи-Б.К.) нимадан бошлаш ҳақида ҳам яхши маслаҳат берган эди: «Абдулла Қодирий «Үткан күнлар» романыда Россиянинг Шарққа нисбатан прогрессив роль үйнаганини бириңчи бўлиб кўрсатди: Отабекнинг Шамайга саёҳати ҳақидаги ҳикоясида бу фикр яхши ифода этилган. Қодирийни реабилитация учун ҳаракат бошланған ва мана шуни дастак қилиб олинг». Бу сўзлар айтғанда Россиянинг Шарққа нисбатан ижобий роли ҳар жиҳатдан бўрттириб кўрсатилар эди ва шу сабабли реабилитациянинг муваффакияти учун ишни Қодирийнинг хизматини намойиш этишдан бошлаш у вактдаги мураккаб шароитда ишнинг муваффакиягини таъминловчи фактор бўлиб қолди».²

Ҳақиқатан И.Султонов бу факторни маҳкам туттаганлиги ҳарбий прокуратурага ёзип берган хуносасида ҳам, матбуотдаги дастлабки чикишида ҳам, шунингдек, «Үткан күнлар»нинг 1958 йилги нашри сўзбошиси-ю дарслеклар учун ёзган маҳсус мақолаларида ҳам аниқ кўринади.

Аладиётшунос ва мунаққид бадий асардаги мавжуд образларни, бадий тасвир воситаларини, асарнинг сюжети, композицион қурилиши, сәндош санъат турлари ёки ёндопш илм соҳаси билан алоқасини чукур тушуниши ва баҳоли кудрат тушунтириши лозим. Чинакам санъат наимунаси бўлган бадий асар мазмун-моҳияти, асос-негизи, у ғоявий-бадий жиҳатдан кандай бўлишидан қатъи назар, адабиётшунос-мунаққиддинг фикр майдонидир. Ёзувчи яратган бу майдонда мавжуд адабий-бадий унсурлар устида батағсил фикр юритмасдан туриб, муаллифга «акл ўргатиши» миссияси, ёзувчи олдига талаблар қўйиш ҳукуки ҳеч кимга берилган эмас.

Қолаверса, адабий танқиднинг вазифаси ёзувчи олдига қандайдир сиёсий талаблар қўйиш, асарида бўлмаган образларни излаб, танқидга куч бериш билан белгиланмайди. Буни дунё олимлари азалдан әтириоф

¹ Султонов И. Ёзувчи Абдулла Қодирий ҳақида // Кигыл Узбекистон. -1956. -28 окт.

² Султонов И. Улкап адаб сабоқлари // Жаҳон адабиёті. -1997. -№ 2 -б.166.

Сўзбошини ўқиган талкинчилар эса романдан астайдил икки синф курашини изладилар. 30-йилларнинг мунаққидлари мұқаддимадаги фикр исботини ичкаридан топа билмай, у билан матнни икки хилда күрдилар. Абдулла Қодирий 30-йиллар мунаққиди назарида «янги мағкурага рұхан таниши ва йўлдош бўлиб етмаган» эди. Орадан йиллар ўтгач, «ёзувчи дунёкарашида ижобий эволюция юз бергани» маълум килинди. Роман талқининг давр сиёсати ва давлат мағкураси накадар кучли таъсир этгани шу қиёсдан ҳам кўриниб туриди.

Рус адабиётшуноси М.М.Бахтиң муаллиф ва қаҳрамон масалаларини текшира туриб, бу муносабат уч хилда бўлишини айтган эди. Биринчи ҳолатда, ёзувчи ўз қаҳрамони устидан ҳукмронлик қила билмайди, уни бошқара олмай қолади; қаҳрамон ўз табиати мантигига кўра ечимга боради. Иккинчи ҳолатда, муаллиф қаҳрамонларни ўз идеясига тўла бўйсундириб олган бўлади, улар кўпроқ ёзувчи истагига биноан ҳаракат қиласидилар. Учинчи ҳолатда эса, қаҳрамоннинг ўзи муаллифга айланади, гўё саҳнада роль ўйнаётгандек шахсий ҳаёти хусусида ўзи эстетик мулоҳаза юритади.¹

Абдулла Қодирийнинг ижодий меросида, хусусан, «Мехробдан чаён» романнда бундай қаҳрамонлар бор, албатта. Аммо 60-80-йиллардаги адабиётшунослар «Мехробдан чаён»га кўпроқ феодализмни, эксплуататорлар синфини фош қилувчи асар сифатини бердилар.

Хуллас, «Мехробдан чаён» романни талқинидаги бирёзламалик, инкор ва зиддиятлар тарихий шарт-шароит, шунингдек, адабиётшунослар жасорати, дунёкараши ва умуман эстетик диди билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг кейинги бўлими «Абдулла Қодирий ижоди талқинининг иккинчи босқичи» деб аталади. Бу бўлимнинг «Илмий-адабий мухит ва гоявий-бадиий холосаларнинг ўзгариши» номли биринчи бобида адаб асарларининг ўзгарган талқинлари бевосита ижтимоий-сиёсий жараёнларга боғлиқлиги таъкидланди.

Маълумки, адабиёт ва ижтимоийлик, адабиёт ва сиёсат XX аср адабиёти ва санъати учун ёндош тушунчалардир. Ижодкор томонидан яратилган асарнинг ижтимоий мазмунни, социал моҳияти нимани ташкил этади; қайси табака манфаатига хизмат қиласиди, деган масала ҳам айнан ўша адабиётнинг жамият ва сиёсатга алоқадорлигининг бир киррасини намоён этади.

XX аср ўзбек адабиётшунослиги тарихидаги талқин муаммосини тадқиқ этишда юқоридаги жараёнларни четлаб ўтиб бўлмайди. Зоро, бадиий адабиётнинг йўнилиши давлат идораларига, бадиий асар талқини, таҳлили ҳамда баҳоси давр ва давлат мағкурасига, ҳукмрон сиёсатга алоқадорлиги айни ҳақиқатдир.

¹ Бахтиң М. Эстетика словесного творчества. - М.: Изд. «Искусство», 1979. -С. 18-21.

Абдулла Қодирийнинг оқланиши, асарларининг қайтадан оммага тақдим этилиши уларнинг нафақат яроқли-яроқсиз, ғоявий жиҳатдан зарарли-зарарсизлиги, балки ижтимоий-сиёсий мухит об-ҳавосига ҳам боғлиқ эди. Адиб тўғрисида ўтказилган маҳфий текширувлар, мутахасис ҳамда ёзувчиларнинг яширинча берган маълумотлари замонага мосланган мулоҳазалар эди. Тадқиқотда шу масалага доир архив манбалари ҳам берилди; улардан талқинга алоқадор кўчирмалар келтирилди.

Аввало Иззат Султоновнинг чиқишиларига эътибор қаратилди.¹ Айни чорда, устоз қодирийшунноснинг талқин билан боғлиқ мухим бир хотира-эътирофлари ҳам инобатга олиниди. Олим Мухтор Авезовнинг маслаҳатини хотирлаб ёзади: «Бу сатрларнинг муаллифи билан сухбатда Авезов бу ишни (Абдулла Қодирийни оқлаш масаласи-Б.К.) нимадан бошлаш ҳакида ҳам яхши маслаҳат берган эди: «Абдулла Қодирий «Ўткан кунлар» романида Россиянинг Шарққа нисбатан прогрессив роль ўйнаганини биринчи бўлиб кўрсатди: Отабекнинг Шамайга саёҳати ҳакидаги ҳикоясида бу фикр яхши ифода этилган. Қодирийни реабилитация учун ҳаракат бошланг ва мана шуни дастак қилиб олинг». Бу сўзлар айтилган маҳалда Россиянинг Шарққа нисбатан ижобий роли ҳар жиҳатдан бўрттириб кўрсатилар эди ва шу сабабли реабилитациянинг муваффакияти учун ишни Қодирийнинг хизматини намойиш этишдан бошлаш у вақтдаги мураккаб шароитда ишнинг муваффакиятини таъминловчи фактор бўлиб колди».²

Ҳақиқатан И.Султонов бу факторни маҳкам туттганлиги ҳарбий прокуратурага ёзib берган хуносасида ҳам, матбуотдаги дастлабки чиқишида ҳам, шунингдек, «Ўткан кунлар»нинг 1958 йилги нашри сўзбошиси-ю дарслклар учун ёзган мақолаларида ҳам аниқ кўринади.

Аладиётшунос ва мунаккид бадиий асардаги мавжуд образларни, бадиий тасвир воситаларини, асарнинг сюжети, композицион қурилиши, ёндош санъат турлари ёки ёндош илм соҳаси билан алоқасини чукур тушуниши ва баҳоли кудрат тушунтириши лозим. Чинакам санъат намунаси бўлган бадиий асар мазмун-моҳияти, асос-негизи, у ғоявий-бадиий жиҳатдан қандай бўлишидан қатъи назар, адабиётшунос-мунаққиддинг фикр майдонидир. Ёзувчи яратган бу майдонда мавжуд адабий-бадиий унсурлар устида батағсил фикр юритмасдан туриб, муаллифга «қакл ўргатиши» миссияси, ёзувчи олдига талаблар кўйиш ҳуқуки ҳеч кимга берилган эмас.

Қолаверса, адабий танқиднинг вазифаси ёзувчи олдига қандайдир сиёсий талаблар кўйиш, асарида бўлмаган образларни излаб, танқидга куч бериш билан белгиланмайди. Буни дунё олимлари азалдан эътироф

¹ Султонов И. Ёзувчи Абдулла Қодирий ҳақида // Китоб Узбекистон. -1956. -28 окт.

² Султонов И. Улкан адабий сабоқлари // Жаҳон адабини. -1997. -№ 2. -Б.166.

этган. Масалан, француз олимни Фердинанд Брюнетьер (1849-1906) «Адабий танқиднинг мақсади нима?» деган саволга талқин этиш, тавсифлаш ва тушунтиришдир, деган маънода жавоб беради.¹ Албатта, биринчи якин бу тушунчалар бадиий асар матнининг ички спецификаси билан боғлиқ.

Хар қандай ижодкорнинг давлат сиёсати доирасида эркин бўлиши, адабий талқинда марксизм нуқтани назарининг устуворлиги коммунистик гояга садоқат, социалистик реализм методини мустаҳкамлаши йўлидаги жонкуярлик - ҳамма-ҳаммаси ўз даврининг фоятда долзарб масалалари саналган. Айни жараёнда кўркак адабиётни нисбатан кенгроқ тушуниб, 30-йиллардаги вуљгар социологик талқинларга танқидий ёндашувлар ҳам бўлди.²

Бу даврда Абдулла Қодирий ижодини талқин қилган маңбалардаги илмий хулосалар жиҳдий ўзгарганлигини ва ҳатто баъзи олимлар бевосита бадиий асарнинг поэтик қийматини очишга интилгандарини ҳам таъкидлаш жоиз.

Мазкур бўлимнинг иккинчи боби «Қодирий сатирасининг илмий талқинидаги муаммолар хусусида» деб номланган. Бунда адабнинг сатирик асарлари талқини юзасидан янгича қарашлар баён килинди, айни масала қодирийшуносликнинг таркибий қисми сифатида тидқиқ этилди.

Абдулла Қодирий ижодий меросининг муайян, зътиборли қисмини ҳажвий асарлар ташкил этади. Адига аксар ҳолларда ўзининг ҳажвия, фельетон ва ҳангомаларини шартли имзолар («мустаор имзо») билан эълон қилган. Хусусан, Жулкунбой, Мулла Жулкунбой, Калвак маҳзум, Тошпўлат тажанг, Думбул, Овсар, Шилтгай каби имзолари машҳурдир.³

Жулкунбойнинг кичик асарларидағи пичинг, киноя ва шу каби ифода йўсинини англаш, тўғри хулосаларга бориши учун унинг даврини, унга ҳамнафас ижодкорларни, ҳатто ўша давр матбуотидаги турли жанр, турли савиалии асарларни яхши билиш лозим бўлади. Адига бир қатор кичик асарларини даврдош қаламкашларининг асарларига муносабат тарзida битгани сир эмас. Демак, А. Қодирийнинг бу типдаги асарларини нафақат замонасидан, балки замондошлидан ҳам айрим талқин килиш нисбатан бирёзламаликка олиб келиши мумкин.

Тадқиқотда Абдулла Қодирий ҳажвий асарларидағи халқ кулгиси масаласи дунёдаги машҳур «Кичик Цахес» (Гофман), «Гаргантюа ва Пантагрюэль» (Ф. Рабле) сингари асарларга киёсан ўрганилди. Ф. Рабле маҳоратини, пичинг, киноя ва муболага воситаларини тадқиқ этган рус

¹ Брюнетьер Ф. Литературная критика Зарубежная эстетика и теория литературы XIX-XX вв. Издательство Московского университета. 1987. -С. 97.

² Карапин: Мирвалиев С. Ўзбек романни. -Т.: Фан, 1969. -Б. 128-135; Махмудов М. Талант ва ижод фалсафаси. -Т.: Еафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1976. -Б. 92-114; Мирзаев Н. Абдулла Қодирийнин ижодий эволюцияси. -Т.: Фан, 1977. -Б. 65-67.

³ Қодирий Х. Отам ҳақида. -Т.: Еафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. -Б. 32-38.

олими М.М.Бахтин халқ қулгиси шаклларини күйидаги таснифлаб беради:

«1. Маросим ва томошага оид шакллар (халқ байрамлари, масхара-бозлик ўйинлари ва ҳ.к.);

2. Оғзаки ва ёзма шакллардаги турли-туман қулги асарлари (шу жумладан пародиялар);

3. Очиқ-чапанича нутқининг ҳар хил шакл ва жанрлари (ҳакорат, қасам-онт ичиш ва ҳ.к.).

Гарчи турлича номланса-да, бу уч шакл борлиқнинг қулгига хос ягона моҳиятини ифодалайди. Айни чөнда, улар ўзаро мустаҳкам алокада ва кўп жиҳатдан бир-бирини тақозо киласди».¹

Бу назарий фикр нафакат Франсуа Рабле ижодининг халқона моҳиятига, балки дунёдаги бошқа турли миллатларнинг қулги маданиятига ҳам мувофиқ келади. Чунончи, бирон миллат ёзувчиси ўз халқининг айни булоқларидан баҳраманд бўлмаслиги мумкин эмас.

Қулги - халқ ижоди. Ёзувчи халқдан олади ва халққа беради. Абдулла Кодирий Каивак маҳзум ва Тошпӯлат тажқангни ҳам, Солиҳ маҳдум ва Ўзбек ойимни ҳам ўз халқи ичидан топди. Характерларини умумлаштириди, сайқал берди, бадиий-поэтик либос кийдирди. Адибнинг турли сұхбатларда, давраларда «ган ўғирлаб» ўтиришининг боиси ҳам шудир.

Жаҳон эстетикаси тарихидан маълумки, қулгили ҳолат моҳиятида контраст-зиддият мавжуд. Масалан, Аристотель хунукликнинг гўзалликка, И.Кант ҳақириликнинг олижаноблик-юксакликка, А.Шопенгауэр бемаъниликнинг бамаъниликка, Гегель эса ёлғоннинг ҳақиқатга зидди-контрастида қулгили ҳолат асосини кўради. Ю.Борев ёзади: «Мабодо биз кутилмаганды бирор ножӯя иш-килиқни қўриб қолсак, табиийки, бу ўзига хос шўхлик ва ҳатто қулгини юзага чиқариши мумкин».³

Абдулла Кодирийнинг ҳажвияларида, хусусан, «характер қулгиси» намоён бўлган асарларида гоҳо хунуклик билан гўзаллик, баъзан сунъийлик билан табиийлик, гоҳида тубанлик билан олижаноблик тўқнаш келади. Зотан, ҳаёт-турмуш кирдикорларининг ҳажвий-бадиий талқини бузиз мумкин эмас.

Кодирий ҳажвий асарлари тадқиқида матндан ҳар бир сўз, сўз биримаси, ҳар бир жумла ва белги ўз салмоғи-салоҳиятига эга. Талқинда йўналишни тўтири олиш учун ёзувчи дунёқарашидаги устувор ақидаларни, шунингдек, муаллифнинг бошқа бир асаридаги айни масала-га муносабатини ҳам инобатга олмоқ лозим.

¹ Бахтин М. М. Творчество Франсуа Рабле и народная культура средневековья и Ренессанса. -М.: Худ.лит., 1990. -С. 9.

² Карапан: Нодир Назаров. «Ган ўғирлаб ўтирилар ҳизнилар Кодирий замондошлар хотинида». -Т: 1986. -Б.42.

³ Борев Ю. Эстетика. -М.: 1988. -С. 82-83.

Жулқунбойнинг «Калвак махзум...» асари талқинлари кузатилганда баъзан жаҳон адабиётидаги Цахес (Гофман), Гаргантюа ва Пантагрюэл (Ф.Рабле) каби қаҳрамонлар характери эътиборга олинди. Албатта, Калвак махзум бу образларга қайсиdir жиҳати - маъно-моҳияти, образ яратиш усули, шунингдек, кулгини юзага келтирувчи киноя, пичинг каби омиллар эътибори билан яқин туради. Эҳтимол, Қодирий Рабле ёки Гофманни ўқимаган ҳамдир. Аммо даҳоларнинг бадиий асар яратиш усулиари санъат оламида уйғулашади, ўзаро яқинлашади ва алалоқибат инсониятнинг абадий маънавий мулкига айланади.

Қодирий ҳажвиялари, айниқса, «Калвак махзумнинг хотира дафтиридан», «Тошпӯлаг тажсанг нима дейдир?» типидаги чуқур моҳиятли асарларининг 60-йиллардаги талқинларидан 90-йиллардаги талқинининг жиддий фарқланишини, аввало, давр имкониятлари билан, қолаверса, адид дарди дунёсини англаш, тагмаъони хис этиш, умумэстетик идеалини тушунишда чуқурлашув жараёни кечётгани билан изоҳлаш ўринли бўлади.

«Калвак махзум...»да саргузаштлар кўп ҳолларда қаҳрамон тилидан баён этилса, баъзан мактуб шаклида берилади. Шу маънода ундаги «сюжет бир оз саргузашт шаклида ривожланади».¹ Тўғриси, бунда ўз ички симметрия ва ёки параллелизмга асосланган мукаммал композиция йўқ. Бироқ, асарнинг шаклий бутунлигини қайсиdir даражада мазмун, бадиий жозиба кучи таъминлайди.

Адабининг халқ оғзаки ижоди, хусусан, кулги маданиятини нақадар теран билиши ҳажвияларида аниқ сезилади. Умуман, Жулқунбойнинг мазкур йўналишдаги асарларини халқ ижодиёти, халқ кулги санъати билан омухта таҳдил ва талқин этиш максадга мувофиқидир.

«Поэтик талқин қўлами ва айрим назарий қарашлар баҳси» дея номланган учинчى бобда ўша мустабид тузум шароитида ҳам баъзи олимлар эстетик талқинлар ёзганлиги, шунингдек, адабиётшуносликдаги энг муҳим назарий баҳс-мунозаралар кодирийшунослик атрофида кечганлиги тадқиқ килинди.

Чинакам бадиий асарни эстетик ҳодиса сифатида талқин ва таҳдил этиш санъат оламига абадий ҳамроҳдир. Жаҳон адабиётидаги «Шоҳ Эдип», «Илоҳий комедия», «Фауст», «Жиноят ва жазо», «Юз ийл танҳоликда» каби асарларнинг поэтик моҳияти адабиётшунослар томонидан қайта ва қайта тадқиқ этилган. Шарқ адабиётидаги машҳур мумтоз асарлар бадиий оламига мурожаат ҳам мутахассисларнинг доимий машғулотлари ҳисобланади.

Дунё адабиётида шундай асарлар мавжудки, улар бирини тақрорламайдиган турлича талқинларга эга.

¹ Қўшжонов М. Моҳият ва бадиият. -Т.: 1977. -Б. 70.

Гарчанд бундай хусусият ёрқин бир суратда кўринмаган бўлса ҳам, ўзбек адабиётида айнан жозибадорлиги билан адабиётшуносларни ўзига ром этган асарлар бор. Абдулла Қодирий ижодига олимларимиз нафақат ижтимоият, гоя ва ёки биография нуқтаи назаридан, балки унинг асарлари бадиияти, поэтик мөхиятини кашиф этиш учун ҳам ёндашганлар. Сир эмаски, айнан бир бадиий асар хусусида икки талқин юзага келган бўлса, улардан қай бири бадиий матн поэтикасига кўпроқ таянса, уша талқин илмий ҳақиқатни нисбатан кўпроқ ўзида мужассам этади.

Адабиётшунослиқда Абдулла Қодирий ижодининг санъат, бадиият, маҳорат жиҳатларини Матёкуб Кўшжонов поэтик талқин, имманентал анализ килди. Унинг 1966 йили нашр этилган «Абдулла Қодирийнинг тасвирлаш санъати» номли китоби бу давр адабиётшунослигига, хусусан, қодирийшунослиқда муҳим ўрин тутади. Олим кўпроқ ёзувчининг маҳоратига, санъаткорлигига, воқеаларни баён этиш усулига, образлар табиатига, бадиий гоянинг ифодаланиш шаклига, асарнинг композицион унсурларига, коллизия ва конфликт масалаларига эътиборни қаратди.

Бизнингча, «Уткан кунлар» романининг поэтик талқинларида **хронотоп**, **тасодифий учрашувлар**, **бахтли тасодиф** каби адабий ҳодисаларнинг мөхиятига эътибор бериш ва айниқса, жаҳон адабиётидаги айни қолатларга қиёсан ўрганиш ҳам жуда яхши самара беради.

Қадимги юон романлари поэтикасини тадқик этган рус олими М.М.Бахтин улардаги воқеалар динамикасини ва замон (вакт) тушунчасини тасодифларга боғлайди. Юон романларидаги бош қаҳрамонлар – етуклик палласига кирган киз ва йигит тасодифан учрашади; бири ни севиб қолади, турли-турли саргузаштлар оқибатида висолга эришади. Тасодифий учрашув ва висол оралиғига ҳам бир дунё ҳодисалар баён қилинади. Юон романни ана шу оралиқ воқеалари воситасида энциклопедик характер касб этади.¹

«Уткан кунлар»да тасодифий учрашув, висол, ишкий саргузаштлар ва бир дунё тарихий оралиқ, аникроги, ёнма-ён ҳодисалар тасвири берилади. Аммо «Уткан кунлар»да реализм кучли. Ёзувчи айтмоқчи, мазкур роман мумтоз адабиётимиздаги «Тоҳир ва Зухра», «Фарҳод-Ширин»лардан айнан шу жиҳати билан фарқланади.

Абдулла Қодирийнинг тасвирлаш санъатига, поэтик маҳорати қирраларида дикқатини қаратган талқинчилар - ҳатто С.Хусайн ва Ойбеклар ҳам - бош қаҳрамон психологияси билан табиат тасвири орасидаги параллел ёки зиддиятли ҳолатларни адаб ижодидаги ўзига хослик сифатида талқин қилгандар.

¹ Қаранг: Бахтин М.М. Литературно-критические статьи. -М.: 1986. -С. 123-135

Шунингдек, адид ижодиётидаги психологизмга багишилаб ёзилган тадқикотлар ҳам ишда илмий муомалага жалб этилди.¹

Агар ижодий методга дунё адабиётшунослии нуктаи назаридан каралса, бу ниҳоятда мураккаб масала эканлиги маълум булади. Негаки, соғ ижодий метод йўқ. Баъзида адабиётшунослар эътирофидан адиднинг икрори фарқланиши мумкин. Масалан, ижодини романтик кайфиятда бошлигаган, «Бовари хоним»дек реалистик роман ёзган француз адиди Гюстав Флобер умранинг охиригача ўзини романтизм оқимига мансуб, дея ҳисоблаган.

Баъзида бир тоифа адабиётшунослар томонидан аниқланган муайян адиднинг ижодий методи иккинчи бир тоифа адабиётшуносларнинг мезонилариға мувофиқ келмайди. «Тинч Дон», «Очилиған қўриқ» романлари ҳамда қатор реалистик ҳикоялар ёзган М.Шолохов ижодини рус адабиётшуносларидан фарқли үлароқ чех олими Иржи Франек «реалистлардан кўра модер-нистларга якин» дея баҳолаган.

Чунончи, рус олими А.С.Бушмин методлар, адабий оқимлар тўғрисида фикр билдирав экан, улар орасидаги чегарани ажратиб олиш кийинчилиги ҳар доим бўлгани ва бундан кейин ҳам бўлишини айтади. Асл эстетик воқеликда методлар орасига аниқ чизиқлар тортиши мушкуллигини, кўпинча романтик, реалистик ва модернистик ижодий методлар уйғун бўлишини таъкидлайди.

«Икки ёки учта адабий йўналишларнинг ўзаро учрашиши ва чатишшиб кетишидан юзага келган аралаш майдонлар кўпинча давомли, натижасиз ва баъзида кераксиз баҳс-мунозара мавзуи бўлиши ҳам мумкин. Бундай баҳс-мунозара фақатгина тарихий давр ўтиши билан ҳал этилиши мумкин (кўп ҳолларда эса жумбоқлигича қолаверади)».²

Дарҳақиқат, Абдулла Қодирий романларининг методи борасида 70-йиллардаги назарий баҳсада ҳам айни ҳолининг исботини кузатиш мумкин бўлди.

Абдулла Қодирийнинг уйғун ижодий методи масаласида қатъий, якранг, охирги хulosани чиқариш мушкулоти асарларининг юксак бадиий-эстетик даражаси, чинакам санъат оламига даҳлдорлиги билан изоҳланади. Айни чоғда, ҳар бир олимнинг айни адид хусусида ўз ҳақиқати ҳам бўлиши табиийдир.

Қодирийшуносликдаги поэтик талқинлар, назарий масалалар, хусусан, ижодий методда тегишли баҳслар XX аср ўзбек адабиётшунослигининг киёфасини кўрсатади. Ҳақиқатдан узоқ баҳслар - ўткинчи, чинакам адабий дурдоналар эса агадийдир.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, бадиий асарнинг илмий-назарий талқини - хоҳ у поэтик, психологик, хоҳ муайян назарий

¹ Абдураҳмонова М. Рӯйхӣ таҳниҳиятаси Суз масъульияти. -Т.: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриети, 1986. -Б.208-264.

² Бушмин А.С. Методологические вопросы литературоведческих исследований. -Л.: Изд. «Наука», 1969. -С. 204.

методологик масала бўлсин, асл моҳиятни ойдинлаштирган тақдирдагина адабиётшунослик тарихида ўз илмий қийматини йўқотмайди.

Тадқиқотнинг учинчи бўлими «Янгича талқинлар эҳтиёжи ва уларнинг илмий моҳияти» деб аталади. Мазкур бўлимнинг «Бадиий-эстетик тафаккурнинг янгиланиши ва қодирийшунослик» номли биринчи бобида 80-йиллар иккинчи ярми ва мустакиллик давридаги янгича талқинлар хусусида сўз боради.

ХХ асрда кўпинча ижтимоий-сиёсий муҳитнинг ўзгариши билан бадиий адабиёт ва санъатда ҳам, илмий йўналишларда ҳам муайян ўзгаришлар юз берди. Ҳаётни, воқеликни бадиий талқин қилишда, тарихни, тарихий шахслар фаолиятини тадқиқ этища, бадиий асарларнинг илмий талқинида ана шу воқелик ўз изини қолдирди. Фикр-мулоҳазалар, талқин, таҳлил ва баҳолар бир кутбдан иккинчисига кўчib ўтди. Ўз вақтида арзимаган асари учун ноёб талант сифатида тавсифланган айрим ижодкорлар маълум пайтга келиб, диққат-эътибордан четда қолди. Ва аксинча, бир вақтлар қандайдир душманлиқда, бадбинлиқда, дарвешлиқда айбланиб, ёзган асарларию шахсиятларига қора тамгалар босилган ва ҳатто тинимсиз танқид қилинган истеъодд ғалари пайти келиб, холис баҳосини олди. Табийки, бундай телба-тескари, шоҳ ва гадо ўйинлари баъзи адабиётшунос олимларни гангитиб қўйди. Килгаи гуноҳлари учун очиқдан очиқ тавба-тазарруъ этишини лозим кўрганлар ҳам бўлди. Илмий жиҳатдан ўзининг нисбатан турғулашган илмий-адабий фикрига, концептуал йўлига ва талқин принципларига эга адабиётшунослар бундай жараённи табиий қабул этдилар. Манфур, мустабид тузум шароитида ижодий эрксизлик туфайли эзопона тилда ёзган асарларидаги қарашларини моҳиятан давом қилдирдилар.

80-йилларнинг иккинчи ярми, 90-йиллар аввалида Русиянинг марказий матбуотларида, ошкоралик, қайта куриш ва демократия шиорининг амалий татбиқи ўлароқ зълон этилган қатор мақолалар, ҳалқ қўзидан яшириб келинган турли манбаларнинг чоп этилиши мавжуд қолипларни парчалади.² Руслардаги Л.Шестов, Д.Мережковский, З.Гиппиус, В.Солженицин сингари ижодкорларга эътибор кучайди. Пайдо бўлган маънавий бўшлиқ ўрнини шўролар замонида кам эътибор беришган ва асосан танқид қилинган тасаввуф, фрейдизм, экзистенциализм, сюрреализм, структурализм сингари адабий-психологик, иррационал фалсафий йўналишлар ғаллай бошлади. Воқеликка, адабиёт ва санъатга қарашлардаги якранглик ўрнига хурфикрлилик, ижод эркинлиги, фикрлар хилма-хиллиги (плюрализм) келди.

¹ Караган: Зокиров М. Машраб олдиаги гуноҳим. Ёши ленинчи. -1990. -24 январь.

² Караган: Короленко В. Луначарский ёзилган хатлар. Шарқ кандози. -1989. -№6; Брюсов В. Свобода слов. Литературная газета. -1990. -22 август; Горький М. Несвоевременные мысли. МСП «Интерконтакт». 1990; Чипко А. Хорошо ли наши принципы? Но-вый мир. -1990. -№4; Бунич И. Партининг олтилари. -Т: Шарқ, 1999.

Адабиётшунослик соҳасида катагонга учраган ижодкорлар мероси қайта баҳолана бошланди. Хусусан, миљий уйғониш даврига, Беҳбудий, Ҷўлғон, Фитрат, Қодирий ижодига, мумтоз адабиётимиз моҳиятини ўзида мужассам этган ислом дини ва тасаввуфга жиддий эътибор берилди.

Бу давр қодирийшуносликда туб бурилиш даври бўлди. Адаб таваллуди муносабати билан маколалар, илмий мажмуалар ҳамда рисолалар майдонга келди. Энг муҳими, қачонлардир Абдулла Қодирийнинг романларини ўқий туриб, унданги миллий пифосдан руҳланган, аммо барча ҳис-эҳтирослари дилининг туб-тубида сақланган олим уламоларнинг, шоири шуароларнинг баҳри-дили очилди. Таъқиб, таҳдид ва таҳдикадан омонлиқда қалам тебратиши имконияти пайдо бўлди.

Адабиётшуноснинг мукаммал шаклланган эстетик позициясигина бадиий асарга эстетик воқеа, санъат намунаси, маънавиятнинг кўркам обидаси сифатида қарашга имкон беради. Агарда инсонда бу ички дид-фаросат, гўзаликни англаш, ҳис этиш, тушунишдек неъмат бўлмаса, адабиётдек покиза майдонга, сўз салтанатининг олтин касрига киришдан фойда йўқ.

Зотан, муҳитдаги сўз эркинлигининг тантанаси туфайли баъзи жиддий баҳс-мунозаралар бўлди. Тадқиқотда М.Күшжонов («Қодирий - эрксизлик қурбони») ҳамда Х.Абдусаматовлар («Танқидми, тош отиш?») орасидаги баҳсга ҳам илм-фандаги табиий ҳол сифатида қисқача тўхтаб ўтилди.

Адабиётшунос У.Норматов қаламига мансуб янгича талқинларни ўрганиш жараёнида фарқли талқинлар мояхияги олимнинг эстетик дидига, баъзан ёшига ҳам боғлиқлиги таъкидланди.¹ Зоро, айни бир асарни ёш эътибори ила каттагина фарққа эга бўлган иккимиз, адабиётшунос иккичи йўсинда талқин килиши мумкин. У.Норматов билан ёш адабиётшунос М.Қаршибой талқинлари қиёсланган масалаларда шу жиҳатга эътибор берилди.²

Шунингдек, ишда «Мехробдан чаён» романидаги Солих маҳдум образига доир А.Рахимов³, М.Қаршибой,⁴ Ю.Шоназоров,⁵ Х.Султонов⁶ каби муаллифларнинг баҳслари ҳам тадқиқ килинди.

Демак, талқинда умумназарий, ижтимоий-сиёсий омиллардан ташқари, адабиётшунос-талқинчининг индивидуал назари ҳам, шахсияти, баъзан жинси ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Фикрий хилма-хиллик, сўз эркинлигига имконият юзага келган муҳитда бадиий асарларни янгича талқин қилишга эътибор кучаяди.

¹ Норматов У. Қодирий боғи. -Т.: Ёзувчи, 1995. -Б.15-16, 43-63.

² Қаршибой М. Ішнинг мўъжизалари // Ўзбекистон адабиётти ва санъати. -1998. -3 апрель

³ Рахимов А. Солих маҳдумда нима суюх? // Ўзбекистон адабиётти ва санъати. -1990. -3 август

⁴ Қаршибой М. Солих маҳдум фаршштами? // Ўзбекистон адабиётти ва санъати. -1990. -2 ноябрь

⁵ Шоназоров Ю. Яна Солих маҳдум ҳакида // Ўзбекистон адабиётти ва санъати. -1991. -25 ноябрь

⁶ Султонов Х. Шонирона дарвишона бир мазбо - Ўзбекистон адабиётти ва санъати. -1991. -1 ноинь

Хатто адабиёт тарихида аник, реал илмий талқини, асар гоясига, умум-пафосига муносиб таҳлили мавжуд бўлган ҳолатларда ҳам гоҳида, гарчи бир оз сунъирик туюлса-да, янгича фикр айтиш истаги пайдо бўлади. Бу истак ҳосиласи, эҳтимол, қандайдир эътиrozга, баҳс-мунозарарага ёки кўллаб-куватлашлар ва «воқелик чегараларига ҳужум» эканини уқтиришига сабаб бўлиши ҳам мумкин.¹

Шу маънода Абдулла Қодирий ижоди борасида янгидан-янги талқинларнинг майдонга келишини, уларнинг тасдиқланиши ёки инкор этилишини, улар устидаги баҳс-мунозараларнинг авж олишини ҳам илм оламидаги табиий ҳодиса сифатида қабул этмоқ жоиз.

Янгича шароитда Абдулла Қодирийнинг эстетик, руҳий дунёсига муносиб талқин ёзиш жараёни бошланди, маҳсус тадқикотлар ҳам юзага келди. Шу ўринда филология фанлари доктори И.Ғаниевнинг «Руҳий гўзаллик қисмати» рисоласини, А.Қаҳрамоновнинг «Меҳробдан чаён» романни поэтикаси номли диссертациясини, шунингдек, филология фанлари номзоди У.Жўракуловнинг «Ўзбек ойим нега «оғма»?» деган мақоласини эслаш ўринлидир.²

Умуман олганда, XX асрнинг охирги ўн-үн беш йиллиги оралиғида юзага келган янгича тафаккур ҳосилалари, янгича талқинлар ўзбек адабиётшуносиги тарихида, хусусан, қодирийшунослик соҳасида ўзининг жиддий изини қолдирди. Бу даврда эскича талқинлардан, қаҳрамонларни ижобий ва салбийга ажратиб таҳлил этишдан, айниқса, бадиий асарга социалистик реализм методи асосида ёндашишдан, талқинлардаги бир ёқламаликлардан умуман воз кечилди. Бадиий асарнинг поэтик моҳиятини, бадиий қийматини намоён этиш йўлида эстетик, этик талқинларга, тил ва услубни тадқиқ этишга, мавжуд адабий дурдоналарни ўзаро қиёслашга ҳам эътибор берилди.

Хуллас, эътироф этиш жойизи, адабиётшунослигимизда талқин асар моҳиятига яқинлашди. Қодирийшунослик миқёси илмий-назарий жиҳатдан анча кенгайди. Ҳеч шубҳа йўқки, Абдулла Қодирий ижоди ўзбек адабиётшунослярининг бундан кейин чукурлашиб борадиган социопсихологик, психобиографик, структурал талқинлари учун ҳам объект бўлади.

Ушбу бўлимнинг иккинчи боби **«Биографик маълумот ва талқин»** деб номланади.

Хар бир ижодкор, санъаткор ўзича бир олам экани маълум. Улар бири иккинчисини такрорламайди, бири бошқасидан фарқланади. Шу маънода ижод аҳлининг ўз ижод оламига муносиб дунёси, эътиқод та-

¹ Карап. Отаконов О. «Борса келмасдаги ҳозина». Шарқ юлдузи. –1987. -№4; Х. Дустмуҳаммедов. Қуюнчаклик - эзгулик ёки Абдулла Қодирийнинг оғруси; Н. Ҳоллиев. Янгилик - анваннинг давоми; Фахрир. Воқелик чегараларига ҳужум. – Шарқ юлдузи. – 1987. -№ 10; С. Содик. Сўз санъати ҳозибаси. -Т. – Ўзбекистон, 1996. -Б. 84-91.

² Ганиев И. Руҳий гўзаллик қисмати. -Б.: «Бўхоро» ишшрёти. 1994; Қаҳрамонов А. «Меҳробдан чаён» романни поэтикаси. Филология фанлари номзоди ... диссертация. -Т. 2000. Жўракулов У. Ўзбек обим нега «оғма»? – Ўзбекистон адабиети ва санъати. –2001. – 6 апрель

янчлари мавжуддир. Ёзувчи ва шоирларнинг умуман, санъаткорнинг таржимаи ҳолини-биографиясини асарларидан, айни чоғда, асарларини таржимаи ҳолидан айрича тасаввур этиш мушкул. Зотан, дунё адабиёт-шунослигига масаланинг шу жиҳатини бўртгириб, уни муайян тизим ҳолатига келтирган биографик метод ҳам бор. Рус олими Юрий Борев бадиий асарга шу метод татбикини «бадиий асарни ёзувчи шахси оркали ўқиши услуби», деб атайди ва: «Санъаткорнинг индивидуал тақдири унинг ижодини талқин этишда калит вазифасини ўтайди», дея ёзади.¹ Албатта, адабиётшуносликдаги бу методга кўра ижодкорнинг шахсий ҳаёти, шахсияти, биографиясига ижодининг энг муҳим, энг асосий белгиловчи хусусияти сифатида каралади. Бироқ, бу метод ўро адабиёт-шунослари томонидан кенг ишланмаган ва айнан «психобиография», яъни ёзувчининг психологик биографияси тарзида амалиётга татбик этилмаган. Бироқ воқеа-ҳодисаларнинг бадиий талқинида ижодкорнинг руҳий кечинмалари, ҳаётий тажрибалари инъикос қиласиди, бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор эта билмайди. Ёзувчи биографияси эса қайсиdir йўсинда унинг асарларида ўз ифодасини топади. Ва қайсиdir даражада санъат асарининг оригиналигини тальмин этади. Ёзувчи ҳаётидаги ўзгаришлар, руҳий кечинмалар, дунёқаращицдаги силкинишлар фонида бадиий асарни талқин килиш ўзининг ижобий самарасини беради, албатта.

Баъзан биографик маълумотлар бадиий асар талқинини бутунлай кутилмаган, янги ўзанларга ҳам солиб юбориши мумкин. Ижод мевасини муаллифнинг маънавий-руҳий тафаккур дунёсидан айри тасаввур этиши кийин. Йдрок қуввати кучсиз, хаёлот олами маҳдуд, маънавий-ахлоқий табиати тубан ва истеъодсиз кишилар бетакрор бадиият дурдоналарини, ўлмас-абадий қаҳрамонларни юзага чиқаришига ишонгинг келмайди. Зотан, бадиий асар матнида, руҳиятида, пафосида қайсиdir даражада (тўғрироги, асосан) муаллиф-ёзувчининг ўзи марқазий ўринида туради. Унинг турли-туман ижтимоий-сиёсий, маънавий-мәший, илохий-ишқий масалаларга қарашлари ўзи тасвирлаётган сиймолари маънавиятида акс этади. Шу маънода бадиий асар матнини психобиографик йўсинда тушиуниш ва тушунтириш ўз ижобий натижаларини бериши шубҳасизdir.

Зотан, Юсуфбек ҳожи, Отабек, Анвар, Кумушбibi, Раъно сингари қаҳрамонлари дунёсида акс этган бебаҳо маънавий кадриятлар Абдулла Қодирий маънавий-руҳий оламига бегона эмас, албатта. Ёзувчининг: «Артист бўлганимда эди, Отабек ролида ўзим ўйнардим... Негаки, Отабек характерини мендан яхши билгувчи йўқ...»,² деган истаги асосида ҳам ўша руҳий бутунлик сезими бор.

¹ Борев Ю. Искусство интерпретации и оценки. - М.: 1981. - С. 56.

² Қодирий Х. Отам ҳакида. - Т.: 1983. - Б. 113.

Колаверса, айни холатга ўхшаш эътирофлар, далиллар дунё адабиётшунослигидаги мавжуд ҳодиса. Француз адиларининг кўплаб бадиий-эстетик биографиясини ёзган Андре Моруа (1885-1967) Бальзак ижоди, унинг «Горио ота» романидаги Растињак образи устида тұхталар экан, бу образ ҳаммадан күпроқ Бальзакнинг сифатларини үзига олганлигини таъкидлайды. Далиллар көлтириади.¹

Ҳабибула Қодирийнинг «Отам ҳақида» номли китоби Абдулла Қодирий биографиясини ойдинлаштирища мухим аҳамиятта зека. Асар күйидаги манбаларга таянған:

1. Қодирий асарларидаги маълумотлар;
2. Баъзи «қолдик ҳужожатлар»;
3. Абдулла Қодирий ҳақида замондошлиарининг хотиралари;
4. Ўғилнинг ўз отаси ҳақида хотиралари.

Муаллифнинг ўзи китоб аввалида ёзиган кўйганидек, бунда «чукур таҳлил ва илмий мулоҳазалар» берилмайды. Айни чоғда, бу манба Қодирий таржимаи ҳолининг «тугал баёни» ҳам бўла олмайди.

Шунин ҳам айтиш жоизки, 70-йилларда ёзилган ва нисбатан түлдирилиб, 1983 йилда иккинчи марта нашр этилган бу китобда сўз эрк-сизлиги, сиёсий-мағфуравий шароит таъсири сезилади.

Бундан қатъи назар, гарчи кўлида тугал архив ҳужожатлари, адабиётнинг «кундалик хотира дафтари», бирорлар билан шахсий ёзишмалари мавжуд бўлмаса-да, Ҳабибула Қодирий отаси олдирадаги фарзандлик бурчини чин юрақдан адо этди.

Бадиий асар учун жамиятдаги муайян шахслар прототип вазифасини ўтапши табиий. Бирор бадиий қаҳрамонлар билан ҳаётдаги маълум бир шахслар орасига тенглик аломати кўйиш - бу адабиётшунослик илмига муносиб эмас. Аммо ёзувчининг ҳақ-хукукларини, қаҳрамон яратиш усулларини хеч бир кимса чегаралашга ҳақли эмас. Зоро, бадиий образ воқеиликдаги кимларгadir ўхшаб кетиши ҳам, улардан мутлоқ фарқланishi ҳам мумкин.

Ҳ.Қодирий «Отам ҳақида» китобида хотиралар, ҳужожатлар билан бир каторда муаллифнинг күйидаги тақорорий эътирофлари ҳам бор. «Шуниси аники, муаллиф асарларидаги кўпгина шахслар, воқеалар ва ўринларни ўзи яшаган муҳитидан, маҳалласидан танлаган».² Муаллиф таҳминича, Тошпӯлат тажанг ва «Ўткан кунлар» романидаги Мутал полвон учун Мирза қассоб исмли кўшиллари, Ҳомид образи учун Мирсобир бойвачча деган кўшиллари, Ўзбек ойим учун Жосият бибиси прототип вазифасини ўтаган.

Ҳ.Қодирий «Мехробдан чаён» романидаги Абдурахмон домла учун Абдулла Қодирий билан болаликда биргә ўйнаб, ўсиб улгайган, Бухоро

¹ Қаранг: Андре Моруа. Оноре де Бальзак. Жаҳон адабиёти. -1999 - №9
Қодирий Ҳ. Ўзбек асар. -Б. 79.

мадрасаларида таҳсил олиб келган мулла Тұлаган исмли мунофиқнұсха бир кишининг прототип бұлғанлыгини ёзди.

«Жосият бибимнинг шу сұзларини хотирлайман:

-Мулла Тұлаган Абдуллани динсиз, үрис деб гап тарқатди. Мана, охир үзи ким бұлды?

Бибимнинг бу сұзларидан мулла Тұлаган бир маҳаллар Қодирийга карши иғво ҳам құзғотғандек күрінади... Шу йүсін иккі дүст ораларданғи инюклик аста-секин совукчиликка, бора-бора сабабини англаш қыйин бұлған ҳасад-рақобаттаға айланади. Мадраса күрмagan бир кимса кун саин матбуотда обрү қозонсин-да, үн үйшілаб мадрасада үқиб келган шундай кагта мулла маҳалла имоми бұлғып юрсін!...».

Архив манбалари асосида ёзилған 90-йиллар қодирийшүнослигига тегишли китобларда мұхым биографик маълумотлар учрайди. Набижон Қоқийнинг «Қатлнома»² асари шу жиҳатдан зәтиборға молиқdir. Асар бевосита собиқ КГБ архиви манбалари асосида ёзилғани боис жанрига күра «хужжатли қисса» деб аталған ва унга «Абдулла Қодирийни кимлар, қандай йүсінде, қаерда, қачон ва нима учун катл қылған эдилар?» деган тағсарлавча қўйилған. Дарҳақиқат, «дилбар адібимиз Абдулла Қодирийнинг аччиқ қисмати акс этирилған 976225-сонли» жиноятнома хужжатларини қамраб олган «Қатлнома»дан кўплаб саволларга кайсицир даражада жавоб топishi мумкин.

«Қатлнома»да бевосита Абдулла Қодирий «иши»га дахлдор Fafur Fулом, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Мақсад Шайхзода, Насрулла Охуңдий, Курбон Берегин, Мұмин Усмонов, Назрулла Иноятов, Фози Олим Юнусов каби шахслар билан боғлиқ тарихий хужжатлар, юзлантириш баённомалари кўп учрайди. Тадқиқотда мазкур манбалар ҳам талқин мумосига алоқадорликда ўрганишига ҳаракат килинди.

Шунингдес, адид ҳаёгининг сұнғти кунлари хусусида Хабибулла Қодирий ҳам архив хужжатлари асосида «Қодирийнинг сұнғти кунлари» («Ёшлиқ» журнали, 1989 йил, 4,5,6,7-сонлар) номли хотира қисса ёзди. Муаллиф таъқидлашиб, мазкур асарида «Отам ҳақида» китобига кирмай колган, уша 70-80-йиллар сиёсати боис киритилиши мумкин бўлмаган «кўпдан-кўп қизикарли кўрган-кечирган, билган» воқеа-ҳодисаларни қаламга олади. Хотира қиссанинг ички тизими (структураси)да учта мұхим нұкта бор:

1. Абдулла Қодирий хусусида илгари айта билмай қолинган «қалтис» хотиралар.
2. Архив манбалари асосида адібнинг сұнғти кунларига доир хужжатлардан кўчирмалар.

¹ Қодирий Х. Отам ҳақида -Т.: 1983. -Б. 130-131.

² Қоқий Н. Қатлнома. -Т.: Faful Fулом номидаги наушиёт - матбаса бирлашмаси. 1992.

3. Сталинизм сиёсатининг қодирийлар хонадони, хусусан, муаллиф бошига ёғдирган бало-офтаглари баёни.

Қиссада бу уч масала ёритилар экан, ҳар доим Абдулла Қодирий сиймоси биринчи планда туради. Мазкур асарга У.Нормагов, А.Расулов, А.Алиев каби адабиётшунослар турлича муносабат билдирилар.

Дунё адабиётшунослигига бадиий асарга ижодкорнинг яшаш тарзи, шароити, муҳити, ишкй саргузаштлари, эътиқодий таянчлари, ҳайтида кечган турли ҳодисалар, кундаликлари ва шу каби бир канча унсурлар орқали ёндашадиган биографик метод кўпинча муваффакиятли натижаларга эришади. Жаҳон адабиёти тарихида ҳар босган қадами котозларга муҳрланган донгдор санъаткорлар ҳаёти солномасини учратиши мумкин, албатта. Аммо бизда бундай манбалар асосидаги талқинлар дунё адабиётшунослиги даражасига етган эмас.

Ижодкор биографиясида, хусусан, Абдулла Қодирий таржимаи ҳоли тавсифида унинг ўз қули билан ёзган турли жанрдаги асарлари, замондошлиарининг хотиралари, фарзандлари томонидан битилган хотира асарлари ва айниқса, архив хуҷоатларида муҳрланиб қолган маълумотлар муҳим аҳамият касб этиши табиийдир.

Ушбу бўлимнинг «Хорижлик олимларининг илмий талқинлари» дея номланган учинчи бобида чет эл олимларининг Абдулла Қодирий ижодига бўлган муносабатлари тадқиқ қилинди. Баъзи ўринларда турлича талқинларининг сабаблари қўрасатилди ҳамда илмий таққослаш орқали муайян хуласалар чиқарилди.

ХХ аср ўзбек адабиёти намояндадарининг ижоди баъзан собиқ иттифок миқёсидаги олимлар томонидан ҳам, баъзан рус олимлари томонидан ҳам ўрганилди. Бундаги эътирофлар, хусусан, қодирийшунослик доирасидаги фикр-мулоҳазаларда кўпроқ ўзбек романчилигининг майдонга келиши катта воқеа экани айтилади. Масалан, қозоқ ёзувчиси Мухтор Аvezовнинг: «Абдулла Қодирий (Жулкунбой) юксак романлар яратди. Унинг романлари 20-йилларда гўё текис саҳрода тұстадан Помир тоғлари вужудга келгандай пайдо бўлди...», деган эътирофини кўпчилик яхши билади. Шу сингари мулоҳазалар бошқа кардош миллат ёзувчилари томонидан ҳам айтилган.¹ Бундаги адаб новаторлигини, устозлигини улуғловчи фикрлар ўзбек адабиётшунослигига мавжуд қарашларга жуда ҳамоҳангидир. Шу боис бундан фарқли ўлароқ қодирийшуносликка оид нисбатан ўзгача, хорижлик олимлари томонидан битилган манбалар имкон доирасида ўрганилди.

Абдулла Қодирий сиймоси ҳам муҳожиротдаги туркий миллат вакиллари, шунингдек, гарб ва Америка олимларининг назаридан четда турмади. 1929-1939 йиллар оралигига Мустафо Чўқай ўғли раҳбарлигига Париж шаҳрида «Ёш Туркистон» номли журнал нашр этилган. Унда

¹ Қаранг: Иноғомов Р. Қодирий жаҳон кезади · Шарқ ўлдузи · 1994 · № 3-4

барча жадидларга жиddий эътибор қаратилганидек, баъзи мақолаларда Жулкунбойга ҳам муносабат билдирилди.¹

«Ёш Туркистон»нинг 1931 йилги 18-сонида Азимзода исмли муалифнинг Машҳаддан ёзган «Ўткан кунларимиз» сарлавҳали бир мақоласи борки, Абдулла Қодирийга муносабат бу ўринда анча жиddий ва айнома руҳидадир. 30-йилларда С.Хусайн, М.Бузрук сингари ўзбек мунаққидлари адабининг «миллатчи», «майда буржуазия» вакили эканлигини ёзган, романларидан шўроча талабларни қониқтирадиган манзаралар топа билмай айблаган бўлсалар, Азимзода Абдулла Қодирийни «бўлшавикларга сотилғон» ҳисоблади; адаб романларини ўқиб, унга шундай айбни юклайди. Дарвое, бир ўринда Ботуни большевикларнинг ишончли хизматчиси, Миртемирни эса «бўлшавиклар манфаати учун шеърлар ёзди», «бўлшавик малайларидан», дейди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу мақоладаги мулоҳазалар чуқур илмий-эстетик талқинлар натижаси эмас, балки мавжуд ҳокимият билан бир оз муросага келиб, ижод этаётган, таҳликалар ичida кун кечирайтган миллий бир адига нисбатан куруқ асоссиз ҳужумлардир.

Қизиқ ҳолат. Айнан ўша тарихий даврда истеъоддли адига нақадар қийин бўлганини тасаввур этиш мумкин. Ичкаридагилар уни «миллатчи»дан олиб, «миллатчи»га солған бўлсалар, ташқарида бир «миллатсвар» киши ўз талқинларида адабни «бўлшавикларга сотилғон», тарих олдида буюк хиёнат қилган хиёнатчига чиқарди.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Берлинда нашр этилган «Миллый адабиёт» мажмуасида «Ўткан кунлар»дан парчалар берилган (1943 йил 5-сон). К.Исройлжон имзоси билан босилган «Туркистон ёзувчилари ҳакида бир неча сўз» номли мақолада эса, гарчи асосий гап Чўлпон хусусида бўлса-да, А.Қодирийга ҳам жадидлар қаторида муносабат билдирилади.²

«Миллый Туркистон» мажмуасининг 1964 йил май сонида Боймирза Ҳайиттинг «Туркистон янги адабиётида икки сиймо: Қодирий ва Чўлпон» номли мақоласи босилади. Мақоланинг аввалти қисми Абдулла Қодирий хусусида бўлиб, сарлавҳадан кейин «бошқарма» - таҳририят томонидан шундай эслатма битилган: «Б.Ҳайит томонидан XXVI Байналмилил Шарқшунослар курултойи, Туркшунослар бўлимида Делхи (Дехли - Б.К.), 7.1.1964 да берган маъзуза».

Б.Ҳайит Абдулла Қодирий асарларини махсус адабий-назарий нуктаи назардан талқин этмайди, балки умумий йўсинада адабининг ҳаёти ва ижоди хусусида фикр билдиради. Албатта, бу даврга келиб А.Қодирий аллақачон оқланган ва унинг ижоди советлар мафкурасига бегона эмаслиги исботланадиган эди.

¹ Уқтой. Туркистон адаблари вазифаси. Ёш Туркистон - 1937. № 95.

² Нероилжон К. Туркистон ёзувчилари ҳакида бир печа сўз. Миллый Туркистон. - 1942. № 11.

³ Миллый Туркистон. -1964. № 11. -Б. 22-26.

Б.Хайит мақоласида собиқ иттифоқдаги олимлардан фаркли үлароқ күйидаги айрим мұлоҳазалар бор.

1. «Үткан күнлар»да «Хўқанд ҳонлиги ва Русиянинг Туркистонга ҳужуми олдиғаги ҳаёт тасвир этилган»литини очиқ ёзди.

2. Абдулла Қодирийнинг ижоди на «советлар бирлигига ва на Оврупада» мұкаммал ўрганилмаётганини айтди.

3. Б.Хайит фикрича, адібнинг ўзбек романчилиги мактабининг асосчиси эканлигини ҳар ким ҳар доим зикр этади. «Лекин совет адабиётшунослари, уни мағкура масаласида айблайдилар, - дея ёзади у ва И.Султонов фикрларига пичинг аралаш мурожаат этади,- чунки у «жадидчилик ҳаракати таъсири остида қолган, Туркистоннинг Русия тарафидан күшиб олинишининг тараккыйпарварларигин сөзмаган ва синфиий курашни ўз асарларида яққол кўрсата билмаган» эмиш.¹

Албатта, Б.Хайит мақоласида А.Қодирий ижодининг фавқулодда янги, кутишмаган қирралари очилган эмас. Бироқ унда «миллатлар турмаси»да айтиши ва ёзиши мумкин бўлмаган айрим гаплар бор. Айнан адабий сиёсат эътиборидан талқиндаги фаркни сезиши мумкин. Табиийки, бундай муносабатга адабиёт майдонидаги ҳукмрон сиёсатнинг талабига кўра ўз вақтида жавоблар берилган.²

XX аср жамиятида бир-бирига муҳолиф бўлган икки лагерь идеологлари билта адабий-тарихий воксликка икки хил назар билан қаради. Фоявий кураш майдонида бу идеологлар муросага кела олмайдиган масалалар бор эди. Рус босқинчиларига, жадидларга, Чўлпон, Фитрат ва шу жумладан, Қодирийга муносабат масаласи шу доирага киради.

Хорижда айни масалаларга ўз муносабатини баён этган олимлардан бири Эдвард Олворт эди. Унинг «Ўзбек адабий сиёсати» номли китоби бор. Тадқиқотимизда олимнинг мазкур кигобидаги мавзуимизга дахлдор карашларига муносабат билдириб ўтилди.³

Шуни таъкидлаш жоизки, агар хориж олимлари томонидан ёзилган илмий мақолалар совет адабий сиёсатига мос келса, албатта, инобатта олинар ва юксак эътироф рамзи сифатида маколаларда ундан иқтибослар келтирилар эди. 1968 йили Германия Демократик Республикаси пойтахти Берлинда «Үткан күнлар» «Die Liebenden von Taschkent», яъни «Гошкентлик севишганлар» номи остида рус тили орқали олмончага ўтирилиб, нашр қилинади. Унга олмон адабиётшуноси Ниота Тун сўнгсуз ёзган. Бу адабиётшуноснинг фикр-мұлоҳазалари хориждаги «буржуза идеолог»лари қарашларидан фаркли үлароқ қодирийшунослиқдаги шўроча талқинларга яқин келади. Унинг ёзишича, «Абдулла Қодирий ўз хикоялари ва мақолаларида коммунистик партияниң миллий сиёсатини тарғиб» қилган. Адібнинг истеъодини, бадий

¹ Хайит Б. Униа мақола.

Қаранг: Нұрмұхамедов М. Адабиёт ва мәғкура. -Т.: 1977.-Б. 62; Фоний кураш ва ўзбек адабиёті -Т., Фан, 1985.-Б. 48., Б. 98.

тафаккур равнакига күшган хиссасини алоҳида таъкидлаган Н.Тун сиёсий тушунчалар исканжасидан ташкари чиқмайди ва ёзди: «1924-1925 йилларда Абдулла Қодирий Москвада ўқыйди, бу ерда ўща вактда қизгин мунозара объекти бўлган ёш рус совет адабиётидаги турли масалалар билан якиндан танишади. Москвада олган билим ва тажрибаси унинг она диёри Узбекистондаги ижтимоий-сиёсий вазиятга, мафкуравий ва эстетик масалаларни қайта ўйлаб кўришга, шу билан боғлиқ саволларга жавоб кидиришга ёрдам беради». «Абдулла Қодирий ўзининг романини Октябрь революцияси тажрибалардан келиб чиқиб ёзди. У ўз халқининг асрлар бўйи эзилишида айборд бўлган ижтимоий кучлардан нафратланади».¹

Ишда бундай фикрлар адабий сиёсат билан изоҳланиши таъкидланди.

1975 йили Американинг Колумбия университетидаги «Transitional Central Asian Literature: Tajik an uzbek prose fiction from 1909 to 1932», яъни «Ўрта Осиёнинг ўтиши даври адабиёти: 1909 йилдан 1932 йилгача тоҷик ва ўзбек бадиий прозаси» номли фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олиш учун Э.Олвортнинг шогирди Эден Наби исмли олима диссертация ҳимоя қиласди. Анча фактларга бой ва холис ёзилган бу тадқиқот марказида, гарчи мавзуу учун объект бўлган даврда ўнлаб ижодкорлар фаолият кўрсатган бўлса ҳам, асосан Садриддин Айний ва Абдулла Қодирий туради.

Э.Наби бир ўринда Абдулла Қодирий романчилик маҳоратини С.Айнийга қиёслаб, илк ўзбек романнависининг устунлигини шундай баён этади: «Айнийнинг тарихий романлари гарб маданияти нуқтai назаридан карагандা ўз моҳиятини тўлиқ ифодалай олмаган бўлса, Абдулла Қодирий томонидан ёзилган икки роман тарихий роман элементларини кўрсатишга анча якинлашади. Шунингдек, ушбу икки роман маълум бир хусусиятлар билан гарб романчилигидан фарқланиб, ажralиб туради».²

Мазкур қиёсий услубда ёзилган тадқиқотда олима X. Қодирий, Фиграт, F.Фулом, X.Олимжон асарларига, баъзан И.Султонов, В.Зоҳидов, Л.Қаюмов, У.Норматов, С.Мирвалиев, Н.Владимирова, Р.Иногомов каби олимларнинг китоб ва мақолаларига, асосан эса, устози Э. Олвортнинг «Ўзбек адабий сиёсати» китобига мурожаат этади.

Америкада Абдулла Қодирий ижодини «The Relationship of Abdulla Qodiriy's Historical Novels to the Earlier Uzbek Literary Traditions» (University of Washington, 1980), яъни «Абдулла Қодирий тарихий романларининг илк ўзбек адабий анъаналарига алоқаси» (Вашингтон университети, 1980) мавзууда текшириб, докторлик диссертацияси ёзган Христофор

¹ Қараш: Исмагулов X. «Ўткан кунлар»: нашрдор, таржималар, тадқиқотлар // «Ўзбек тили ва адабиёти». - 1989. - №4.

² Eden Nab. Transitional Central Asian Literature. Tajik and Uzbek prose fiction from 1909 to 1932. Columbia University 1975 .-P. 72.

Майкл Мурфи адиб романларига «структурал адабиётшунослик услуги билан» ёндашади.

Х.Мурфи структурал анализ методини танлаш сабабини бевосита адиб романларининг ички моҳиятига, уларда ўзи илғаб олган иккита муҳим омилга боғлади. Аввало, «Ўткан кунлар» тадқиқотчига романдан кўра бошқачароқ асар бўлиб кўринади. Иккинчидан, «Ўткан кунлар»нинг баён услубидаги жуда кўп кирралар анъанавий ўзбек халқ оғзаки ижодида учрайдиган жиҳатларни эслатар экан.

Шу боис Х.Мурфи роман структурасини, баён услубини «Алпомиши» (қаҳрамонлик эпоси), «Кунтуғмиши» (романик эпос), Алишер Навоининг «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин» достонлари ҳамда халқ китоби «Тоҳир ва Зухра»ларга таққослашни маъқул топади. Тадқиқотчининг дикқатини ўзига тортган муҳим факт шуки, «Тоҳир ва Зухра», «Фарҳод ва Ширин» достонлари «Ўткан кунлар» мукаддимасида тилга олинади. Демак, қиёс учун асос ҳам борлиги кўринади.

Х.Мурфи юкорида санаған бешта достон сюжети структурасини текшириб чиққач, «Ўткан кунлар»га келади. Вокеа-ҳодисаларнинг жойлашиш структурасини «ўкувчи қабул қиласидиган» (ижобий) ва «ўкувчи қабул қимлайдиган» (салбий) тарзда маҳсус жадвалга солади.¹ Ўша жадвалдаги «плюс» ва «минус», «ижобий» ва «салбий» томонлар кимгадир содда ёки жўн туюлиши мумкин. Аммо бу жадвал романнинг сюжет ривожини «ажралиш» ва «бирлашиш» тарзидаги изоҳи билан кўз олдимизда намоён этади. Тадқиқотчи сюжетни баён этишининг бизнинг адабиётшунослигимиз тажхрибасида кўрилмаган йўлини танлаган. Умуман олганда, америкалик олим Х.Мурфи диссертациясидаги муҳим фикр мулоҳазаларга эътибор берилди. Эҳтимол, бაъзи масалаларда олим билан баҳс-мунозара қилиш мумкин. Чунонча, Туркистон ҳалқининг 10-20-йилларда бор-йўти тўргуфози саводли эди ёки Қодирий романлари халқ оғзаки ижодига гўё мутлақо киёсланмаган эди, каби фикрлари шулар жумласидандир.

Ўтган асрнинг 90-йилларида олмон олимлари Абдулла Қодирий ижодига жиддий қарадилар. Гарчи айрим фактик ҳатоларга йўл қўйилган бўлса-да, (масалан, Қодирий вафоти 1940 йил деб курсатилган) маҳсус адабий лугатларда Абдулла Қодирий ҳаёти, ижоди хусусида маълумот бердилар. Рудольф Радлер муҳаррирлiği остида бир неча йил давомида нашр этиб келинган, кўп томлик «Kindlers Neues Literatur Lexikon»нинг 1990 йилда босилган 9-томида «Abdulla Kadyri. Otgan kunlar» деган иккى бетлик мақола шулар жумласидандир.²

¹ Murphy Ch. The Relationship of Abdulla Qodiriy's Historical Novels to the Earlier Uzbek Literary Traditions. University of Washington. 1980. -Б. 124-125.

² «Киндерлининг янги адабий лугати»нинг биринчи томи 1988 йилда нашр қилинган. Унинг 325-330 бетларида Алишер Навоин, 1989 йил нашр этилган 2-томининг 18-19-бетларида бобур тўғрисида маълумот бор. Хали нашри давом этгасдан мазкур лугатнинг 22-томи 1998 йилда (S-Z) босилиб чиқсан, унда Т.Муроддининг «От киннаган сюдом» киссанси ҳақида З.Клейнихел иккى бетлик маълумот беради.

Ҳозирда Гумбольд университетида ишлаётган ирофессор Ингеборг Балдауф хоним «Auf der Suche nach der Wahrheit», яъни «Ҳақиқат ахтариб» деган маколасида «ҳақиқат» тушунчаси «жадидчилик, инқилобчилик, миллатчилик ва ғайридинчилик руҳидаги матнларда» турлича акс эттирилганини ёзди. Олима фикрини Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулҳамид Чулпон, Шокир Сулаймон ва Абдулла Қодирий сингари сиймолар ижодидан олинган иктибослар оркали исбот этади. Абдулла Қодирийнинг «Шубҳа» номли ҳикоясини алоҳида таҳлил қиласди.¹

Олмониялик яна бир олима Зигрид Клейнмихел хоним 1993 йили Виесбаденда нашрдан чиқкан 279 бетлик «Шарқона ёзиш анъанасининг ривожланиши. 1910-1934 йиллар ўзбек драмаси ва насрый асарлар тадқики» деб номланган китобининг маҳсус бир бўлимни (201-263 бетлар) Абдулла Қодирий романларига бағишлади. «Туркистон ҳаётидан Абдулла Қодирийнинг икки романи» дея атаглан мазкур бўлим: «XX асрда ёзилган ҳеч бир ўзбек китоби ҳақида Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» (Ўзбеклар ҳаётидан тарихий роман) романи хусусидаги каби кўпилаб мақола, хотира, латифа ва афсоналар таркалган эмас»,² деган сўзлар билан бониланади.

З.Клейнмихел тадқиқотида: «Муаллиф Отабек учун шеъриятдаги образларга хос нутқни прозага кўчирди: ошик касал бўлиб қолади ва оҳ ура бошлидиди», «Ота-бала ўргасидагига ўхшашиб муносабат (гал Юсуфбек ҳожи билан Отабек ҳақида- Б.К.) на ҳалқ адабиётида, на маснавийда ва на Жўржи Зайдон асарларида кўзга ташланади...». «Бирон шахсга воқеликда мос тушиши мумкин бўлган тасниф ва ўзини тутиш имкониятлари бир неча шахсга бўлиб-бўлиб берилганга ўхшайди», каби қарашлар кўп. Шуниси муҳимки, олима ўз талқинларида адабнинг ҳар икки романини ёнма-ён, уйғунликда қиёсий талқин этади ва ўрни-ўрни билан ҳалқ оғзаки ижодига таққослаб боради. Бу тамойил олиманинг «Ўткан кунлар» ва «Мехробдан чаён» романларининг хотимасига доир қарашларида ҳам ўз ифодасини топган: «Қодирийнинг ҳар икки романни икки ечимга эга. «Ўткан кунлар»да «қора Ҳомид» устидан қозонилган ғалаба эргакларда учрайдиган баҳтли ечимни эслатади. Ваҳоланки, бу билан романнинг иккинчи қисми тугаб, учинчи қисм бошиланади. Кумуш ва Отабекнинг ўлими баҳтсиз ечим бўлса ҳам, у реалистик ечимдир, у эртакларда бўлиши мумкин эмас...

«Мехробдан чаён» романининг ниҳояси аслида Раъононинг хон саройига келтирилиши билан тугаши керак эди. Унинг отаси тўйга розилик берган. Анвар ўзини четга олган, тўй саруполари аллақачои қабул килиб

¹ Изоҳ. Уни ўзбек тионига Ўзлодиши Парда таржими этди ва мақола «Миллӣ тикланиш» газетасининг 1998 йил 20-27 октябрь сонлагина кискартирилган холда ишар килинди.

² Kleinmichel Sigrid. Aufbruch aus orientalischen Dichtungstraditionen. Studien zur Usbekischen Dramatik und Prosa zwischen 1910 und 1934. -Wiesbaden. 1993. -F. 201.

олинган. Аммо асарда реал ечим йўқ. Асарга гаройиб, саргузаштили ходисани кўшиш натижасида севишганлар ўша тақдирдан қутулиб қоладилар. Уларнинг мақсади ўша пайтда аллақачон Россия қўлига ўтган Тошкентга етиб олиш. Бу ерда улар Кўкон хонининг таъқибларидан кўркмаса ҳам бўлади. Бу иккинчи баҳтли хотимага эргакларда учрайди-ган ечим сифатида караш мумкин».¹

Олима фикрича, Абдулла Қодирийнинг ҳар икки романни ана шундай икки ечимлидир. Шуниси эътиборлики, «Мехробдан чәён» охирида ги эпилог ҳам ечим-хотима учун катта имкониятлар беради.

З.Клайнмихел Қодирий романларига жуда катта эътибор бериб, ўз талқинларида 30-йиллардаги С.Хусайн, Ойбек, 60-80-йиллар таникли қодирийшуносларидан И.Султонов, М.Кўшжонов, И.Мирзаев, А.Алиевларнинг фикрларини инобатга олади, баъзан улар билан баҳса киришади.

Ишда З.Клайнмихел қаламига мансуб яна бир «Die Gestalt des Prosaschriftsteller Abdulla Qadiri im geistigen und kulturellen Leben Usbekistans» («Ёзувчи Абдулла Қодирийнинг Ўзбекистон маънавий ва маданий ҳаётидаги ўрни») деган манба ҳам тадқиқ қилинди.²

Хуллас, XX аср мобайнида хориж олимлари Абдулла Қодирий ижодини турли аспектдан қараб тадқиқ этганлар. Албатта, уларнинг баъзиларида тузумлар орасидаги foялар, қарашлар курашининг таъсири ҳам, айримларида ўта субъектлашув ҳолатлари ҳам қузатилади. Шунингдек, Абдулла Қодирий ижодини иккинчи бир миллат ёзувчилари ижодига қиёсан ҳолис ўргангандек ёки мутглақо янги йўналишда - структурализм методи асосида талқин этган олимлар ҳам бўлди. Хориж олимларининг бу хизматлари ўзбек адабиётини, хусусан, Абдулла Қодирий ижодини дунё адабий жамоатчилигига таништиришда катта аҳамият касб этади.

Шуни таъқидлаш жоизки, хориж олимлари ўзбек маънавий тафаккурининг ҳосиласи бўлмиш муайян асарни талқин этганларида фавқулодда оригинал фикрларни мазмун-моҳиятга нисбатан эмас, балки муайян фактнинг янтича кирраси ёки шаклий жиҳатларга нисбатан баён этадилар. Ўзбек олимлари Гётени қанчалик чукур ўрганмасин, барибир у машҳур мутафаккир шоир оламини, ўз миллатининг милллий менталитетини чукур ҳис этадиган қандайдир бир олмон гётешуносидан яхшироқ, теранрок тушунтириб бера олмаса керак. Хориждаги қодирийшунослик ҳам қайсиидир маънода шунга ўхшаш ҳодисадир.

Зотан, дунё олимлари ўзбек адабиётига қизиқиб, Фитрат, Чўлшон, Абдулла Қодирий сингари адабий сиймоларимиз ижодини тадқиқ этаётган экан, бундан фақат фахрланмоқ ва ўша фикр-мулоҳазалардан хабардор бўлмоқ жоиз, албатта.

¹ Клайнмихел З. Ўша аср. -Б. 258

² Die Gestalt des Prosaschriftsteller Abdulla Qadiri im geistigen und kulturellen Leben Usbekistans. Bomberg Mittelasienstudien. Berlin. 1994. -F. 153-168.

Диссертацияниң «Хулоса» кисмida қуйидаги илмий-назарий фикрлар баён қилинганды.

1. XX аср үзбек адабиётшунослигига Абдулла Қодирий ҳәсти ва ижодига доир талқин манбалари муҳим ўрин тутади. Қодирийшуносликнинг асосий негизини ташкил этадиган бу тақриз, илмий мақола, баҳсли мақола ва рисолалар 20-30-йиллардаёқ майдонга келганды. Ва аср охирига қадар уларнинг ҳажми ҳам, илмий баҳс доираси ҳам янада кенгайди. Ўтган аср адабиётшунослигининг ҳолати, мазмун-моҳияти, илмий методлари ва энг муҳими, талқин тамойиллари қодирийшунослик мисолида аник күзға ташланади.

2. Сир эмаски, собық мустабид тузум барҳам топғач, унинг ҳукмрон мағкураси ҳам, бу мағкура асоси бўлган марксча-ленинча таълимот ҳам яқин тарихга айланди. Муайян фан соҳаси, шу жумладан, адабиётшунослик фани учун ҳам ўткинчи сиёсий-мағкуравий методология ўрнига нуфузли илмий-назарий методология зарурати туғилди. Адабиётшунос олимларнинг дунё илм-фанидаги стакчи, энг муҳим тадқиқот усусларига мурожаати бошланди. З.Фрейд, Э.Фромм, Р.Барт, Х.Ортега-и-Гассест, М.М.Бахтин, А.Моруа каби файласуф, адабиётшуносларнинг асарларига эътибор кучайди.

3. Farбда фалсафий оқим, матн талқини назарияси ҳисобланадиган герменевтика таълимоти мавжуд матнни тушуниш, тушунтириш, талқин килиш жараёнларини камраб олади. Унинг назарий-методологик имкониятларини, илмий хулосалар чиқаришдаги асосий тамойилларини ўзбек адабиётшунослигига татбиқ килиши фойдали бўлиши табиий. Шарқ илм-фанида муайян тизим ҳолига келган тафсир ва шарҳлар қайсицир маънода «шарқ герменевтикаси» тушунчасини беради. Демак, айнан илмий-назарий жиҳатдан гарб ва шарқ герменевтикасини уйғунлаштириш эҳтиёжи мавжуд.

XX аср қодирийшунослиги бир бутунликни, унга доир манбалар таркибий қисмни ташкил этади. Герменевтик усуул тамойилларига кўра айнан муайян илмий-назарий хулосалар чиқаришда бутун ва қисм муно-сабатлари муҳим саналади.

4. Қодирийшуносликининг биринчи бўлган 20-30-йиллар адабиётшунослигига баъзан холис ва асосан гайриилмий вуљгар социологик ҳолатлар ҳукм сурди. Бу давр талқинларида матндан узоклашиш, бадий асарга тайёр мағкуравий-сиёсий қолиплар билан ёндашиш, ижодкорни айблаш ва унга сиёсий йўл-йўриклар кўрсатиш, гарчи баъзан бадий ҳақиқат теран ҳис этилса-да, ижод эрксизлиги туфайли уни матнга номувофиқ тушунтириш, кўпинча фикр-мулоҳазаларни ҳукмрон мағкуравий таълимот «доҳий»ларидан олинган иқтибослар асосида баён килиш, ҳар бир илмий-адабий тушунчани синфиийлик билан bogлаш ҳолатлари кўзға ташланади. Таъкидлаш жоизки, бундай вуљгар социо-

логик руҳдаги талқин эгалари баъзан тасвирдаги замон ва макон контрасти, образлар конфликти, тарихий роман моҳияти, бадиий асар тили, адабий таъсир, муайян образ нафосати каби масалаларни ҳам ўртага қўйдилар.

5. Маълумки, Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлари» муқаддимасида «Ёзгувчидан» деган, охирги «Ой-куни яқин эди» бобидан кейин роман хронотопидан узоқлашган «Хотима» ва яна «Ёзгувчидан» деган сўнити изоҳ берилган. Шунингдек, «Мехробдан чаён» романининг аввалида «Романинг мавзуъи тўғрисида» сарлавҳали муқаддима, тугандида эса «Мирзо Анварнинг кейинги ҳаёти тўғрисида» деган сўнгсўз бор. Ёзувчи томонидан битилган мазкур сўзбоши ва сўнг сўзлар роман талқинида ўзига хос ўрин тутади. Зотан, герменевтикада бундай манбалар, ҳошиядаги битиклар, муаллиф изоҳлари жуда муҳим аҳамият касб этади.

6. Ижтимоий ҳаётда жиддий сиёсий ўзгаришлар юз берган 60-йилларда қодирийшуносликнинг иккинчи босқичи бошланди. Ижодкорлар учун ҳам нисбатан эркин муҳит юзага келди. Бироқ, юраклар тубтубидан жой олган, инсон эркига ҳар вақт таҳдид солиб турган кўркув салтанати ҳали чскинмаган эди. Щу боис, гарчи Чулпон ва Фигратларнинг номлари турили ножоиз, айнома тамгалардан ҳалос этилган бўлсада, асарлари тақиқланганича қолди. Абдулла Қодирий масаласида эса вазият бир оз бошқача кечди. Адаб асарлари ҳалққа, оммага, ҳаётга кайтди. Аммо 60-70-йиллардаги нашрларда адаб романларида «калтис» нукталар таҳрир қилинди. Зотан, матига бундай заҳа етказиш унинг талқинига таъсир этиши табиийдир.

7. Абдулла Қодирий ижоди бу даврда ҳам кўпинча мавжуд ижтимоий-сиёсий тузумга мослаб талқин қилинди. Адабининг социалистик жамият хизматкори эканлигига, баъзан уни асрар-авайлаш учун атайлаб ургу берилди. Қодирийшуносликнинг иккинчи босқичи талқинларида И.Султоновнинг фикрлари, ҳукм ва хулосалари стакчилик қилди. А.Алиев, И.Мирзаев, Ф.Насриддинов, С.Мирвалиев сингари олимларнинг талқинларидағи фикр-мулоҳазалар И.Султонов қарашларига яқин туради. Адабиёт ва санъат устидаги мустабид тузумнинг сиёсий ҳукмронлиги санъаткор - ижодкорлар асарлари эстетик моҳиятининг тўлиқ намоён бўлишига йўл қўймади.

8. Айрим олимлар айнан матн жозибасидан келиб чиқсан ҳолда эзопона тил воситасида поэтик талқинларни ҳам илгари сурди. Айни мазмун - моҳиятдаги илмий асарлар қодирийшуносликда бир қадар илгарилаш бўлди. Бу типдаги талқинлар сирасига М.Кўшконовнинг «Абдулла Қодирийнинг тасвирлаш санъати» рисоласини киритиш мумкин.

9. Абдулла Қодирий ижоди жуда кўп назарий фикр-мулоҳазалар учун манба бўлди. Айниқса, унинг романлари мазкур йирик жанр хусу-

сида назарий фикр юритиши, романга хос тафаккур кўламларини англаш учун имкон берди. И.Султонов томонидан ёзилган «Адабиёт назарияси» китобидаги назарий қарашларнинг жуда кўп мисоллари Қодирий романларидан олингани маълум. Шунингдек, 70-йиллар адабий-илмий жараёснидаги ижодий методга оид шиддатли баҳслар ҳам қодирийшунослик доирасида кечди. Муҳим бир мулоҳаза шуки, назарий-фалсафий дунё-қараши фарқли олимлар аниқ бир бадиий асарнинг ғоявий-бадиий хусусиятларини, ҳатто ижодий методини турлича талқин этишлари ҳеч ажабланарли эмас.

10. Абдулла Қодирий воқеликни ҳажвий йўсинда бадиий талқин қилишда бағоят моҳир эди. Кичик-кичик ҳажвиялари учун қўйилган «Овсан», «Думбул», «Индарас сўфи», «Чапани» сингари шартли имзолар ўша мўъжаз мати талкинида катта аҳамиятга эга. «Калвак махзумнинг хотира дафтаридан», «Тошпӯлат тажанг нима дейдир?» каби нисбаган йирик ҳажвий асарлари табдилидаги хатолик, тагматини тушунмаслик, талкинидаги бирёқламаликлар мазкур йўналишнинг муаммолари саналади. Буларни тўгри ҳал эгишда асарнинг ёзилиш даври давомийлигини, муаллиф дарду дунёсидаги ўзгаришларни инобатга олиш ва энг муҳими, коса остида нимкоса услубида ёзилган матн моҳиятини нозик тушуниш лозим. Ҳажвий образ тасвиридаги гротеск моментларни жаҳон адабиёти намояндлари асарларига такъослаб ўрганилганда Қодирий сиймоси айнан санъаткор сифатида яна ҳам улканлашади.

11. XX аср ўзбек адабиётшунослигидаги янгича талқинлар 80-йиллар иккинчи ярми ва 90-йилларда майдонга келди. Бу даврда чинакам санъат асарнинг турлича, бир-бирини тақрорламайдиган талқинлари ҳам кўзга ташланади. Зеро, «Буюқ санъат асарлари тушга ўхшайди; улар ўз-ўзидан ҳеч қачон тушунарли бўлиб қолмайди ва талқинда ҳам асло биргина маъноли бўлмайди» (К.Г.Юнг фикри). Бундай абадият монументлари ўзбек мумтоз адабиёти тарихида йўқ эмас. Шунингдек, Абдулла Қодирийдан авлодларга мерос бўлиб қолаётган асарлар ҳам қайсиadir маънода абадиятга, асрлар оша инсон хис-туйгулари, завқ-шавқи ва тафаккур оламига маънавий юқ ортишига дахлдордир. Шунинг учун Қодирий ҳаёти ва ижоди мустақиллик шароитида турли назарий аспект учун бой манба бўлди. Хусусан, М.Қўшиқонов, У.Норматов, И.Фафуров, А.Расулов, И.Фаниев, Х.Султонов, М.Қаршибой каби олим ва ёзувчиларнинг ўзига хос талқинлари ёзилди. Бу талқинларни илгари сурища, бадиий асарни тушуниш ва тушунтиришида адабиётшуноснинг билими, руҳий тайёргарлиги, эстетик диди билан бирга ёши ҳам муҳим роль ўйнайди, албатта.

12. Бу даврда Абдулла Қодирий асарларини макон ва замон нуқтаи назаридан ўрганиш, адабий таъсир ҳодисаларини талқин килиш ҳамда

романларни муайян маънавий-ахлоқий жиҳатларга бοглаб текшириш ҳам ўзининг ижобий самараларини берди.

13. Ижодкорнинг эстетик дунёсини тушуниб олишда биографик маълумотларнинг ўз ўрни бор. Адабиётшуносликдаги биографик метод ўз назарий қарашларини асосан ижодкор шахси призмасидан ўтказади; унинг ҳаётига, психологик ҳолатига доир манбаларни - мактублар, хоти-ралар, кундаликлардаги битиклар, архив ҳужжатларини бадиий асар талқини жараёнинг тадди. Зоро, муайян асарга социологик жиҳатдан бир маъно берилаётган бўлса, айнан биографик маълумотлар талқинни мутлақо ўзгартририб юбориши ҳам мумкин. Ҳар қандай ижодкор бадиий асарда ўз индивидуал дунёсини тўкиб солади; демак, биографик метод ҳам бадиий матнни тушуниб олишда кенг имкониятлар яратади.

14. XX аср ўзбек адабиётига, хусусан, Абдулла Қодирий ижодига эътибор берган кардоши халқ олимлари, хориждаги олимларнинг қарашларида, гарчи гоявий-мағкуравий йўсингидаги баҳслар, ўзбек олимлари томонидан айтилган фактларни тақрорлаш устунлик килса-да, улар орасида Қодирий асарларини структурализм усулига хос соф илмий нуқтаи назардан талқин қўлганлари ҳам бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳақиқий санъат асари доимо ҳар қандай инсоннинг руҳий-маънавий дунёсини бойитади, ҳис-туйгуларини жунбушга келтиради; инсонни одам ва олам хусусида жиддий фикрлашга ундан туради.

Хуллас, ўзбек адабиётшунослигининг жаҳон микёсига чиқишини, дунё адабий-эстетик тафаккурига жиддий таъсир этишини орзу қилган киши мавжуд илмий-назарий ютуқлар билан чекланиб қолмасдан, жаҳон адабиётшунослигидаги энг муҳим тамойилларни, назарий қарашлар, метод ва методологияларни ўзлаштирмоғи лозим. Истиқбол шуни тақозо этади.

Диссертациянинг асосий мазмуни муаллифнинг қўйидаги илмий чиқишлиарида ўз ифодасини тоғлан:

1. Фикр ва муҳит зиддияти // Шарқ юлдузи. -1995.-№11-12. -Б.190-198.
2. Танқидчининг теран томирлари /Абдуғафур Расулов. Библиографик кўрсаткич (С.Содиков билан ҳамкорлиқда). -Т.: «Университет» нашриёти, -1997. -Б.3-18.
3. Чўлпон ижодининг дастлабки талқинлари // ТошҶУ хабарлари. -1998.- № 3. -Б.44-47.
4. "Вов" имзосига доир // Ўзбекистон матбуоти. -1998. -№ 4. -Б.44-45.
5. "Меҳробдан чаён"ни ўрганиш // Шарқ юлдузи. -1999.-№ 4.-Б.155-159.

6. Таъсир ва тасвир // Тафаккур. -1999. -№ 4. -Б.89-91.
7. Жадидона кайфият // Жамият ва бошқарув. -1999. -№3-4. -Б.34-36.
8. Мувозанат - талқин таянчи // Тил ва адабиёт таълими. -1999. -№5-6. - Б.127-133.
9. Ким нимадан куладир // Муштум. -1999. -№ 3-4. -Б.12-13.
- 10.Истиқлолчи мажмуанинг иккинчи умри // Ўзбекистон матбуоти. - 1999. - № 3. -Б.42-43.
- 11.Ўзбекистонда жадид ёзарлари // Турк дунёси тил ва адабиёт журнали – Анъқара. -1999.-№ 7 (Фотима Очик билан ҳамкорликда). -Б.30-32.
- 12.Жадид мунаққиди Вадуд Маҳмуд. –Т.: Университет, -104 б.
- 13.Ибратли кўзгу // Жаҳон адабиёти. -2000. -№4. -Б.175-179.
- 14.«Миллий адабиёт», Равшан ва «Курбон» // Ёшлиқ. -2000. -№3. -Б.38-39.
- 15.«Даҳа гўзал» битиклар // Гулистан. -2000. -№3. -Б.60-61.
- 16.Тақдир шамоли // Тафаккур. -2000. -№1. -118-121.
- 17.Чўлпон - ўзбекнинг янги шоири / «Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси» анжумани материалари .-Андижон. -2000. 2-3 июнь. -Б.11-15.
- 18.Мунавварқорини эслаганди // Гулистан. -2001. -№1. -Б.54-55.
- 19.Образ моҳияти ва талқин доираси // ЎзМУ хабарлари. -2001.-№3.-Б.36-39.
- 20.«Теваракдан шом азони эшигиладир...» // Ҳидоят. -2001. -№4. -Б.6-7.
- 21.Маънавият қасрининг олтин қалити // Жаҳон адабиёти. -2001. -№4. -Б.135 - 137.
- 22.Мустакиллик: тил ва адабиёт // Ўзбек тили ва адабиёти. -2001. -№4. -Б.18.
- 23.«Жаҳон адабиёти тарихи» фанини ўқитишининг айрим муаммоларига доир / «Қадрлар тайёрлашнинг миллий дастури ва университет таълимининг истиқболлари» укув - методик конференция материалари.-Т.: - 2001. 22 июнь. -Б.21-22.
- 24.Абдулла Қодирий. ЎзМЭ. 1-жилд. -Т., 2001 (проф. У.Норматов билан ҳамкорликда). -Б.22-25.
- 25.Қодирий қадри // Жаҳон адабиёти. -2002. -№6.
- 26.Қодирий ва маънавият / Жадидчиллик ва миллий истиқлол танътанаси (иммий мақолалар тўплами). -- Т.- 2002. – Б. 54-57.
- 27.Талқинда биографик маълумотнинг ўрни // Ўзбек тили ва адабиёти. - 2002.-№3.
- 28.Сўз мўъжизасини англаш йўлида // Ёшлиқ. – 2002. - № 2. –Б. 42-43.
- 29."Жулқунбой мени тепмакчи..." // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. - 1994. -30 сентябрь.
- 30.Бадиий олам манзаралари // Ватан. -1995. -25 март.
- 31.Бир ёзувчига икки муносабат // Ватан. -1997. -20 февраль.
- 32.Дастлабки талкинлардан бири // Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1997. -28 ноябрь.
- 33.Ривоят ичидаги роман // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. -2000. -7 апрель.
- 34.Тирик назар, уйғоқ қалб // Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2001.-6 апрель.

РЕЗЮМЕ

диссертации Каримова Баходира Нурметовича
«Проблема интерпретации в узбекском литературоведении XX века
(на примере кадыриеведения)», представленной на соискание ученой
степени доктора филологических наук по специальностям
10.01.02.- Современная национальная (узбекская) литература и
10.01.08. - Теория литературы

Узбекская литература XX столетия отмечен бурным развитием творчества многих известных писателей. Важное место в литературно-художественной мысли и истории научно-литературной жизни Узбекистана того периода занимает творчество выдающегося деятеля узбекской литературы Абдуллы Кадыри. В результате изучения творческого наследия этого писателя возникло кадыриеведение, как весьма солидное и серьезное направление литературоведческой науки, в котором нашли свое отражение многосложное восприятие художественного процесса той не менее сложной поры жизни общества. Поэтому научно-теоретические поиски в области исследования творчества Кадыри во многом облегчают задачу осмысливания положения узбекского литературоведения минувшего столетия в целом.

Данная диссертационная работа, посвященная изучению проблемы интерпретации на примере кадыриеведения, состоит из введения, трех разделов, в каждой из которых по три главы, а также заключения и перечня использованной литературы.

В введении изложено актуальность темы, цель и задачи, научная новизна, научно-практическое значение работы.

В первом разделе «Сущность начальных интерпретаций: противоречивость и однобокость» нашло свое отражение краткая история герменевтики, научно-теоретическая сущность ее терминов «понимание», «истолкование» и «предпонимание».

Изучение проблемы интерпретации на примере романов А.Кадыри «Уткан кунлар» («Минувшие дни») и «Мехробдан чайн» («Скорпион из алтаря») способствует реалистическому представлению научно-литературной среды 20-30-х гг. XX века.

В данном разделе диссертации изучена свобода творчества, имевшая место в 20-х годах, с учетом литературно-теоритических взглядов писателя исследуются вульгарно-социологические интерпретации 30-х годов. С точки зрения интерпретации объективно оцениваются научные исследования таких авторов, как С.Хусайн, М.Бузрук, Айбек. Некоторые источники впервые вводятся в научный оборот.

Основываясь на теоретические взгляды зарубежных и русских ученых Г.Г.Гадамера, М.М.Бахтина, Ю.Борева, диссертант выдвигает новые научно-теоретические мысли и взгляды о трактовке художественного произведения.

Во втором разделе «Второй этап интерпретации творчества Абдуллы Кадыри» хронологически прослеживается развитие узбекского литературоведения XX века в плане изучения литературной интерпретации.

В 60-е годы на художественную критику оказала влияние политическая идеология. Вместе с тем, в эти годы начали широко издаваться произведения Кадыри, было положено начало серьезному исследованию его жизни и творчества.

Как известно, Кадыри пользовался множеством литературных псевдонимов. Автор диссертации по-новому оценивает сатирические произведение и такие псевдонимы писателя, как «В. М.», «Шапак махзум» и др.

Художественный текст отражает мировоззрения творческой личности. С этой точки зрения выдвигаются новые научно-теоретические взгляды относительно мировоззрения Кадыри как писателя и литературоведа.

В данном разделе диссертант излагает свое отношение и литературоведческим трудам Айбека, И.Султанова, Х.Якубова, М.Кошчанова, А.Алиева, У.Норматова, в которых дана идеино-художественная, эстетическая трактовка произведений А.Кадыри, а также теоретическому спору о творческом методе, проходившего в 70-х годах вокруг кадыриеведения.

Третий раздел диссертации, названный «Насущность и научно-теоретическое значение новых интерпретаций» охватывает период кадыриеведения с конца 80-х до конца 90-х гг. Здесь подчеркивается, что в трактовке художественного текста уже находят свое отражение характерные изменения в художественно-эстетической мысли. При этом отмечается, что в понимании и разъяснении его немаловажен также возраст исследователя.

Большую ценность в разъяснении художественного текста представляет использование биографических сведений о писателе, т. е. биографический метод. Так, произведения Х.Кадыри «Отам ҳакида» («Об отце»), «Қодирийининг сўнгги кунлари» («Последние дни Кадыри»), Н.Бокий «Қатлнома» («Книга казни») проливают свет на неизвестанные стороны творчества Абдуллы Кадыри. В разделе, соответственно, изложены теоретические высказывания диссертанта о биографическом методе интерпретации.

Главу завершает анализ интерпретации творчества Кадыри зарубежными исследователями Э.Олвортом, Э.Наби, Х.Мурфи, И.Балдауф, Э.Клейнмихель и др.

В заключении обобщаются научно-теоретические выводы автора по содержанию диссертации.

SUMMARY

of the dissertation «The Problem of Interpretation in the Study of Uzbek Literature of the 20th century (based on Abdulla Kadiriy's literary works)» by Karimov Bahodir Nurmetovich for the degree of Doctor of Philosophy (Philology) in the courses of the Contemporary Uzbek Literature and the Theory of Literature

The period of Uzbek literature of the 20th century is designated a flourishing period of a huge number of literary works had been created by prominent Uzbek writers. These works serve a valuable source for research in the history and the study of Uzbek literature.

Literary works by Abdulla Kadiriy, an outstanding Uzbek writer of that period, best reflect the cultural development and literary life of the society of Uzbekistan in 1920-30s. Abdulla Kadiriy's literary art and life mould the contemporary study of the subject ("qodiriyyunoslik" in Uzbek) included in the Uzbek national literature. Research in Kadiriy's literary heritage is enormously important in order to comprehend the state of the study of Uzbek literature in the last century.

The dissertation dealing with the problem of interpretation of Kadiriy's works comprises introduction, three chapters each consisting of three parts, conclusion and the bibliography.

Chapter I: "The Essence of Primordial Interpretations: Conflict and One-sidedness" expounds a brief history of hermeneutics. Such concepts of hermeneutics as "comprehension", "interpretation", and "pre-comprehension" are to be defined in this chapter and their theoretical role in the study of literature is revealed.

The investigation of interpretation on the contextual background of the novels "Ўтқан кунлар" ("The Past Days") and "Мехробдан чаён" ("The Scorpion of the Altar") by Kadiriy is aimed at the problem of Uzbek literary criticism of 1920-30s and its relation to Kadiriy's works. In this regard, the author of the dissertation narrates of the phenomenon of creative impulsiveness in the literary circles had taken place in 1920s, as well as the vulgar sociological interpretations that had apparently emerged in 1930s as a consequence of the totalitarian ideology.

Theoretical works by the scholars of the study of Uzbek literature S.Husain and M.Buzruk provide the basis for the analysis of this research.

Alongside with this, the views by a philosopher G.G.Gadamer, a literary critic M.M.Bakhtin, an aesthetic scholar Yu.Borev are concentrated on.

Methodological aspect of hermeneutics and the point of correlation of literature and political ideology have been considered important criteria, as well as the theoretical explanation of one-sidedness in the literary interpretation has

the theoretical explanation of one-sidedness in the literary interpretation has been attempted in this dissertation.

In Chapter II: “The Second Period of Interpretation of Abdulla Kadiriy’s Literary Works”, the problem of literary interpretation in the study of the 20th century Uzbek literature is chronologically observed.

The gradual increase of political ideology in early 1960s that had inevitably influenced the study of Kadiriy’s literary works is distinctly evinced in literary texts of this period. Interpretations of literary texts of this period and Kadiriy’s novels in particular were measured to be a subject of a trite method of socialist realism, and the whole of his literary art was exposed to forcible attempts to elicit whatever flaws.

Literary pseudonyms that Kadiriy signed numerous of his works complete the exposure of a plot. Thus, the research focuses on the interpretative misrepresentation occurred to some of the writer’s pseudonyms.

A literary text is foremost a reflection of a writer’s vision and his or her inner world. Most frequently, inaccuracy of literary interpretation results in distorted conclusions in the study of literature.

In this chapter, the aesthetic aspect of interpretations of Kadiriy’s satirical works is introduced, as well and theoretical arguments about the study of Kadiriy’s literary art of 1920s are set forth. In this concern, the author applies to literary critics such as Oibek, I.Sultanov, M.Koshjanov, A.Aliev, U.Normatov.

Chapter III: “Topical and Theoretical Importance of Updated Interpretations” covers the study of Kadiriy’s works of the period from the end of 1980s to late 1990s. Changes in aesthetic thinking typical for this period have been put in the foreground of the literary interpretation. In comprehending and interpreting of a literary text a researcher’s age and experience are accentuated, as well.

The use of biographic facts of the author, i. e. the biographic method of the literary interpretation is valuable. Thus, “Отам ҳакида” (the son’s memoirs of his father) and “Кодирийнинг сўнгги кунлари” (“Last Days of Kadiriy”) by H. Kadiriy, “Катлнома” (“The Execution Book”) by N.Bokiy shed light upon the facts from Kadiriy’s life and literary art that had been unknown up today. In compliance with this the researcher expounds his thoughts concerning the role of the biographic method.

Interpretations of Kadiriy’s works by foreign scholars E.Alworth, E.Nabi, Ch.Murphy, I.Baldauf, A.Kleinmichel, etc. completing this chapter are of particular noteworthiness.

Theoretical conclusion generalizing the content of the dissertation ends the research.

Босишга руҳсат этилди 13.05.2002. Ҳажми 2,75 босма табок.

Бичими 60x84 1/16. Адади 60 нусха. Буюртма 170.

М.Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллӣ Университети
босмахонасида чоп этилди.